

ЎЗБЕКИСТОНДА КАТТАЛАР ТАЪЛИМИ АМАЛИЁТИ

XX асрнинг иккинчи яримида ўқитишнинг янги принциплари шаклланди, катталарни ўқитиш ҳақидаги янги фан, андрагогика пайдо бўлди ва динамик равишда ривожланмоқда. Ушбу монография, андрагогиканинг ижтимоий ва педагогик омилларига бағишланган бўлиб, ишнинг объекти сифатида катталар таълимнинг ривожланиши ва ўқитишнинг андрагогик асосларини шаклланиши танланган. Монографиянинг асосий мақсади, андрагогиканинг пайдо бўлиш омиллари ва назарий асосларини очиб бериш ва ривожланиш қонуниятларини аниқлашдан иборат. Ишда андрагогикани мустақил фан сифатида шаклланишининг жаҳон тажрибаси таҳлил қилинган, катталарни ўқитиш жараёнида андрагогик ёндашув ва асосий андрагогик тамойиллар очиб берилган. Ижтимоий амалиёт доирасида андрагогиканинг ўзлаштирилиши, касбий малака кўникмаларига эга бўлиш, билим, маҳорат, кўникма, қадриятлар ва катта ёшлиларни ўқитиш фаолиятининг моҳиятини ўрганишни кўзда тутди.



АРЗИҚУЛОВ АБДУРАЙИМ ШАМШИЕВИЧ

- Андижон давлат тиббиёт институти педиатрия факультети педиатрия ва неонатология кафедрасининг профессори, тиббиёт фанлари доктори. Унинг 200 дан зиёд илмий - методик ишлари, жумладан 2 та ихтиро, 4 та монография, 2 та дарслик, 6 та укув кулланмалари чоп этилган.



Globe
EDIT

Globe
EDIT



Абдурайим Арзикулов

ЎЗБЕКИСТОНДА КАТТАЛАР ТАЪЛИМИ АМАЛИЁТИ

Катта ёшлилар – ўқитиш субъекти сифатида

Абдурайим Арзикулов

Абдурайим Арзикулов

ЎЗБЕКИСТОНДА КАТТАЛАР ТАЪЛИМИ АМАЛИЁТИ

FOR AUTHOR USE ONLY

FOR AUTHOR USE ONLY

Абдурайим Арзикулов

ЎЗБЕКИСТОНДА КАТТАЛАР ТАЪЛИМИ АМАЛИЁТИ

Катта ёшлилар – ўқитиш субъекти сифатида

FOR AUTHOR USE ONLY

Imprint

Any brand names and product names mentioned in this book are subject to trademark, brand or patent protection and are trademarks or registered trademarks of their respective holders. The use of brand names, product names, common names, trade names, product descriptions etc. even without a particular marking in this work is in no way to be construed to mean that such names may be regarded as unrestricted in respect of trademark and brand protection legislation and could thus be used by anyone.

Cover image: www.ingimage.com

Publisher:

GlobeEdit

is a trademark of

Dodo Books Indian Ocean Ltd., member of the OmniScriptum S.R.L
Publishing group

str. A.Russo 15, of. 61, Chisinau-2068, Republic of Moldova Europe

Printed at: see last page

ISBN: 978-620-2-48721-4

Copyright © Абдурайим Арзикулов

Copyright © 2021 Dodo Books Indian Ocean Ltd., member of the
OmniScriptum S.R.L Publishing group

FOR AUTHOR USE ONLY

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЕТ ИНСТИТУТИ

Арзикулов Абдурайим Шамшиевич

“ЎЗБЕКИСТОНДА КАТТАЛАР ТАЪЛИМИ АМАЛИЁТИ ”

монография

Тошкент -2021

АННОТАЦИЯ

XX асрнинг иккинчи яримида ўқитишнинг янги принциплари шаклланди, катталарни ўқитиш ҳақидаги янги фан, андрагогика пайдо бўлди ва динамик равишда ривожланмоқда.

Ушбу монография, андрагогиканинг ижтимоий ва педагогик омилларига бағишланган бўлиб, ишнинг объекти сифатида катталар таълимининг ривожланиши ва ўқитишнинг андрагогик асосларини шаклланиши танланган. монографиянинг асосий мақсади, андрагогиканинг пайдо бўлиш омиллари ва назарий асосларини очиб бериш ва ривожланиш қонуниятларини аниқлашдан иборат.

Ишда андрагогикани мустақил фан сифатида шаклланишининг жаҳон тажрибаси таҳлил қилинган, катталарни ўқитиш жараёнида андрагогик ёндашув ва асосий андрагогик тамойиллар очиб берилган.

ANNOTATION

In the field of adult education in the second half of the XX century were formed new principles of training, there was a new and rapidly developing science of adult education - andragogy.

The present work is devoted to the study of socio-pedagogical factors of andragogy. The object of research was the development of adult education and the formation of andragogical training bases. The main objective of the research is the identification of prerequisites and regularities of occurrence and the theoretical foundations of andragogy.

The analysis of world experience of formation of andragogy as an independent science of adult education, formulated assumptions andragogical approach to adult education and basic andragogical principles.

КИРИШ 4

**I БОБ. АНДРАГОГИКАНИНГ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ ВА
ЙЎНАЛИШЛАРИ.** 7

1.1. Андрагогика фанининг инсонни ўрганишдаги ўрни ва
ривожланиши 1.2. Андрагогиканинг асосий
тамойлари, шакл,
метод ва воситалари

II БОБ. АНДРАГОГИКА СОХАСИДАГИ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАР. 20

2.1. Дунёда катталар таълимнинг глобаллашув жараёнлари
ва ривожланиш тенденциялари.

2.2. «Катталар таълими» мутахассислиги бўйича
Европа Иттифоқи Университетлари дастурлари

**III БОБ. КАТТА ЁШЛИЛАРНИ ўҚИТИШ: АСОСИЙ ТАШКИЛИЙ
МАСАЛАЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР.** 34

2.1. Катта ёшлилар – ўқитиш субъекти сифатида

2.2. Ўзбекистонда катталар таълими амалиёти

Хулоса ва таклифлар 46

Фойдаланилган адабиётлар 49

Кириш

Мавзунинг долзарблиги: Маълумки, бугунги шиддат билан ривожланаётган ахборот жамияти ўзи билан тенг қадам ташлай олмаганларни четга суриб бораверади. Шу сабабли ҳаёт давомида узлуксиз ўқиш, ўрганиш масаласи бугун ҳар қачондагидан ҳам долзарбдир. Бугунги кун шиддати инсонларни ҳар куни тўхтовсиз янги маълумотларни қабул қилиш, янгидан-янги технологияларни ўзлаштиришга мажбур этади. Қисқача айтганда инсон ёшидан, жинсидан, маълумотидан, жамиятда тутган мавқеи, лавозимидан қатъий назар доимий таълим олиш жараёнинг иштирокчисига айланади. Айнан ана шу нуқтаи назардан, андрагогика фани ва унинг имкониятларини ўрганиш бугунги куннинг долзарб масалалардан биридир.

“Андрогогика” тушунчаси фанга 1833 йил немис педагогика тарихчиси А.Капп томонидан киритилган бўлиб бу сўз юнончадан “андрос”- эркак, одам, “агогейн” – етакламоқ маъносини бериб, катта ёшли одамни етаклаш деб таржима қилинади. Педагогикада бу термин катта ёшлиларни таълим ёрдамида етаклаш маъносида қўлланилади.

Ижтимоий амалиёт доирасида андрагогиканинг ўзлаштирилиши, касбий малака кўникмаларига эга бўлиш, билим, маҳорат, кўникма, қадриятлар ва катта ёшлиларни ўқитиш фаолиятининг моҳиятини ўрганишни кўзда тутди.

Андрогогика - бу ижтимоий билимлар соҳасидир. Андрогогика нафақат инсонни ўрганиш, балки жамиятшунослик, фалсафа, маданиятшунослик ва бошқа билимлар доирасида илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади. Мантикий жараён катта ёшли турли гуруҳлар ва категорияларга мансуб катта ёшли одамларни ўқитишга оид турли назарий маълумотларни танлаш ва ўрганишни тақозо этади.

Мавзуга таълуқли манбаларнинг назарий, амалий ва эмпирик тадқиқотлар таҳлили:

1950-1960 йиллари, бир қанча хорижий муаллифларнинг ишларида катталарни ўқитишнинг ташкилий ва баъзи муаммолари, асосан катталарни ўқитишнинг дидактик ва методик ёндашув муаммолари кўриб чиқилган (Даринский А.В., Пинт А.Д., Бокарев Н.И., Дюркё М., Кидд Дж., Лордж И., Миллер Г.Л., Маккинли Дж., Морган Б., Пёггелер Ф., Самоловчев Б., Семенски М., Турос Л., Урбанчик Ф.).

Юқорида келтирилган муаллифларнинг кўпчилиги, катталарни ўқитишнинг педагогик тамойиллар асосида талқин этиб, катталарни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини, катталар педагогикаси деб атаганлар. 1950-1960 йилларда югослав олими М. Огризович ва Б. Самоловчев, таниқли немис профессори Ф Пёггелер, швейцар назариячи олими Г. Хансельмана, поляк олимлари М Семенски ва Л. Туросларнинг илмий ишларида «Андрогогика» ибораси пайдо бўлди (Poggeler F. *Erwachsenenbildung: Einführung in die Andragogik.* -Stuttgart, 1974; Savičević D. *Training Adult Educationists in Yugoslavia.* // *Convergence.* Toronto, 1968. - V. 1; Siemienski M. *Andragogija i teorija jbrzovanja odraslich.* // *Obrazovanije odraslich.* Warszawa, 1967. - N 3-4; Turós L. *The Position of Andragogies in the System of Pedagogical Sciences.* // *Society and Leisure.* Prague, 1971. - N 3; Hanselmann H. *Andragogik: Wesen, Möglichkeiten, Grenzen der Erwachsenenbildung.* Ziirich, 1951). Бу муаллифлар андрогогиканинг педагогикадан фарқларини аниқлашга ҳаракат қилдилар. Андрогогикани алоҳида фан сифатида шаклланиши ва тикланиши 1970 йилларга туғри келиб, айнан шу йили катталар таълимининг америкалик буюк назариячи ва амалиётчи олими М. Ш. Ноулзнинг "Катталар таълимининг замонавий амалиёти. Андрогогика ёки педагогика" номли фундаментал иши чоп этилади (Knowles M.S. *The Modern Practice of Adult Education. Andragogy versus Pedagogy.* - N.Y., 1970).

XX асрнинг кейинги йилларида, катталарни ўқитишнинг аниқ муаммоларига бағишланган бир қатор ишлар пайдо бўлди. Тадқиқотчларнинг

асосий эътибори катталарни ўқитишнинг қуйидаги масалаларига қаратилди:

- Катталарни ўқитиш учун дастурлар ва ўқув материалларини яратиш (Бэгнэл Р.Г., Бун Э.Дж., Брэндедж В.Г. и Макерэччер Д., Гриффин К., Нокс А.Б., Маклэгэн П.А., Рейс Ф.);

- катталарни ўқитишни индивидуллаштириш (Брукфилд С., Ноулз М.Ш., Савичевич Д.М., Таф А., Вермайл Д.В.);

- катталарни ўқитишда ўқитувчилар фаолиятининг хусусиятлари (Джонс Э., Лен М., Нуайе Д., Пивето Ж., Роджерс А., Элсдон К.Т.);

- катта ёшдаги ўқувчилар фаолиятининг хусусиятлари (Анциферова Л.И., Кулюткин Ю.Н., Коули Р., Миллигэн Дж., Кросс К.П., Гросс Р., Ноулз М.Ш., Меррием С., Кафарелла Р., Роджерс Р., Титгенс Г., Вайнберг И., Элсдон К.Т., Хаул С.О.);

- катталарни ўқитишнинг дидактик ва методологик принциплари (Лесохина Л.Н., Брукфилд С., Дик Э., Джонс Э., Юнг Г., Фрамм Г., Гэлбрэйт М.В., Куйперс Г.В., Лордж И., Мукиелли Р., Пашка П., Пёггелер Ф., Ржегак М., Турос Л., Урбанчик Ф.);

- катталарни ўқитиш учун шароитлар яратиш (Хансейкер Г.К., Пирс Р.);

- катталарни ўқитишда мотивация (Нолл Дж.В., Влодковски Р.Дж.);

- катталарни ўқитиш учун ўқитувчилар тайёрлаш (Годд Л.Г., Грабовски С.М., Легге К.Д., Линч Дж., Савичевич Д., Чарли А.Г., Элсдон К.Т.).

Аммо, бу ишларда М. Ш. Ноулзнинг асосий ғоялари ўзининг давомий равишда тизимли ривожини топмади.

XX асрнинг иккинчи яримида, бутун дунёда кенг тарқалган катталар таълимини ташкил қилишдаги ва фақат катталар таълимида қўлланилган эмпирик даражадаги ёндашувларнинг улкан амалиёти билан, бу ёндашувларнинг назарий моҳиятини тушуниш ва асослаш орасида қарама қаршилик пайдо бўлди.

Шундай қилиб, адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики, дунё олимларининг аксарияти андрагогикани мустақил фан ва илмий йуналиш сифатида қарашади ва турли ишларда муаллифлар уни илмий билим соҳаси ва

педагогик фан тармоғи, ижтимоий ва гуманитар билимлар соҳаси сифатида талкин этадилар.

Илмий тадқиқотларда андрагогикани турлича, таълим ҳақидаги фан тизимидаги йўналиш, ўқув фани, катталарни ўқитиш ҳақидаги фан сифатида қаралиши кузатилди. Масалан, Б. М. Бим - Бад ва С. Н. Гавров илмий ишларида, юқоридагиларга қўшимча сифатида ғарб давлатларининг тарихий педагогик фикрлари билан тўлдиради (Bim-Bad B.M., Sokolova L.I., Zmeyov S.I. Russia.- In: Perspectives on Adult Education and Training in Europe.- Leicester, NIACE, 1992).

Шу каби фикрларининг тарқоқлиги, андрагогикани келгусида ўрганишга асос бўла олади.

I БОБ. АНДРАГОГИКАНИНГ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ.

1.1 Андрагогика фанининг инсонни ўрганишдаги ўрни ва ривожланиши

“Андрогогика” тушунчаси фанга 1833 йил немис педагогика тарихчиси А.Капп томонидан киритилган бўлиб, бу сўз юнончадан “андрос”- эркак, одам, “агогейн” – етакламоқ маъносини бериб, катта ёшли одамни етаклаш деб таржима қилинади. Педагогикада бу термин катта ёшлиларни таълими маъносида қўлланилади.

Андрогогика фанининг илмий ўзига хослиги ҳақида таъсаввур ҳосил қилиш учун унинг ўрганадиган предмети, тушунчалар тизими ва асосий тамойиллари ва методини билиш зарур. Шуларни ўрганиб чиқиб, андрагогик билимларнинг замонавий фанда тутган ўрни ва вазифаси белгиланади. Ижтимоий амалиёт доирасида андрагогиканинг ўзлаштирилиши касбий малака кўникмаларига эга бўлиш, билим, маҳорат, кўникма, кадриятлар ва катта ёшлиларни ўқитиш фаолиятининг моҳиятини ўрганишни кўзда тутади.

Андрогогикани ўзига хос фан сифатида тушиниш учун унинг кадрлар тайёрлаш тизимидаги ўрни ва таълим потенциалини тушуниш даркор.

Фан оламида нисбатан ёш соҳа бўлган андрагогика ҳали шаклланиш жараёнида. “Педагогика” ва “андрагогика” терминларининг ўзаро яқинлиги кўп йиллардан бери мутахассислар ўртасида баҳсга сабаб бўлиб келмоқда (Knowles M.S. The Modern Practice of Adult Education. Andragogy versus Pedagogy. - N.Y., 1970.). Андрагогика педагогика соҳаси билан яқинлиги кўриниб турибди, лекин унда ёш авлодни тарбиялаш, шакллантириш эмас, балки катта ёшдаги шаклланган одамни ўқитиш ва қайта ўқитишга урғу берилиши ушбу фанни чуқур ўрганиш кераклигини кўрсатади. Бир гуруҳ олимлар андрагогикани педагогиканинг бир қисми деб қарашса, бошқалари уни педагогика билан боғлиқ мустақил фан сифатида қабул қилишади. Кўриниб турибдики, андрагогика педагогика билан боғлиқ соҳа. Андрагогиканинг асосий ўрганиш предмети узлуксиз таълим олиш тизимида катта ёшлиларни ўқитиш методикасидир.

Андрагогика - бу ижтимоий билимлар соҳасидир. Андрагогика нафақат инсонни ўрганиш, балки жамиятшунослик, фалсафа, маданиятшунослик ва бошқа билимлар доирасида илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади. Мантикий жараён катта ёшли турли гуруҳлар ва категорияларга мансуб катта ёшли одамларни ўқитишга оид турли назарий маълумотларни танлаш ва ўрганишни тақозо этади.

Андрагогика замонавий илмий билимлар ривожига умумий тенденциялар ўрнини кўрсатувчи ёрқин намунадир. Андрагогика бир вақтнинг ўзиде педагогика назарияси, катта ёшлилар таълими назарияси, инсонни ўрганиш тизимининг асосий қисмларидан бири бўлиши, шу билан бирга мустақил фан сифатида ҳам ривожланиши мумкин. Андрагогик билимларнинг илмий контексти қуйидаги категорияларни кўриб чиқиш билан белгиланади:

- Инсон (ҳаёт босқичининг улғайиш, қариш) босқичида;
- Катта ёшлилик (катта ёшлиларнинг ўзига хослигини инобатга олиб ўқитиш субъекти сифатида);
- таълим (инсонийлик сифатларини ривожлантириш ва шакллантиришга қаратилган мақсадли тизим);

- катта ёшлилар таълими (узлуксиз таълим олиш жараёнида касбий ва шахсий жиҳатларга турли вариантлар асосида эга бўлиш);

- узлуксиз таълим (инсон ҳаётининг фаолияти жараёнида узлуксиз билимларга эга бўлиб бориши);

- андрогог (катта ёшлиларни ўқитиш соҳаси билан шуғулланувчи мутахассис);

Замонавий андрагогиканинг тадқиқотлар олиб бориш қўлами ўз ичига:

- ёши, жинси, ижтимоий мансублиги, малакавий тайёргарлик даражаси, соғлигини ҳисобга олган ҳолда аҳолининг турли гуруҳларининг таълимга эҳтиёжини ўрганиш;

- базавий ва қўшимча касбий билим, ўз устида ишлаш, бўш вақтда билим олиш, маънавий ривожланишни ҳисобга олган ҳолда катта ёшлиларни ўқитиш шакллари ва вазифаларини ўрганиш ва йўналишларини моделлаштириш;

- Катта ёшлиларни ўқитиш тизимини технологиялар, кадрлар билан таъминлаш тизимини яратиш;

Андрагогик билимларнинг шаклланиши ва ривожланишининг асосий тамойиллари: интеграциялашув, амалий йўналиш ва инсонийликдир.

Жаҳон ва ватанимиз фанида ижтимоий институтлар фаолиятини моделлаштиришга имконият берувчи илмий-амалий ёндашувлар анча яхши ишлаб чиқилган. Андрогогика аҳолининг турли қатламларининг ўзига хослигини инобатга олган ҳолда ўрганиш ва таълим олишга бўлган эҳтиёжларини қондиради.

Ҳозирги пайтда жаҳон мамлакатлари орасида келгуси йилларда аҳолининг катта ёшлилар қатламини ўқитиш зарурати пайдо бўлмоқда (Hayden M. «Professional Development of Educators: the International Education Context». The SAGE Handbook of Research in International Education. 2007. SAGE Publications). Бунинг ўзига хос сабаблари мавжуд:

- доимий ривожланиш ва ўзгаришда бўлган жамиятда “билимдонлик” тушунчасининг кенгайиб бориши катта ёшлиларнинг замонавий билимларни

ўрганишини, янги ахборот воситалари, технологиялар билан ишлаш кўникмаларини эгаллашни, умуман, узлуксиз ўрганишда бўлишни тақозо этади;

- илмий ва ақлий фаолият билан боғлиқ ишлаб чиқаришнинг ривожланиши хизматчилар малакасига бўлган талабни ошириб бормоқда ва бу ўз навбатида “умр бўйи” малака ошириш ва қайта ўқиш эҳтиёжини келтириб чиқармоқда;

- Меҳнат бозори талабларининг шиддат билан ўзгариши кўпгина меҳнатга лаёқатли, шу билан бирга олий маълумотли мутахасисларнинг ҳам ишсиз қолишига сабаб бўлади. Андрагогика, айнан, ана шундай шароитда катта ёшлиларни қайта ўқитиш, иш жойини йўқотган мутахасисларни қайта касбга йўналтириш ва янги иш жойига эга бўлишига ёрдам беради;

- Ҳозирги кунда дунёда мактаб таълим тизимидан четда қолган болалар сони ўсиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида, яқин йилларда дунёда тўлиқ ўрта маълумотга, баъзан умуман маълумотга эга бўлмаган катта ёшлилар фонизининг ўсиши олиб келади;

- Замонавий компьютер технологияларнинг ривожланиши икки хил асосий натижага олиб келади: биринчиси, ижтимоий амалиётнинг бир қисми сифатида узлуксиз таълим тизимининг шаклланиши, иккинчиси, инсоннинг ўзи янги ҳаётий тажрибаларни, ижтимоий ва касбий-малакавий кўникмаларга эга бўлиш учун узлуксиз таълим олишга ҳаракат қилиши.

Узлуксиз таълим олиш жараёнида қуйидаги вазифалар ажратилади:

- Ривожлантирувчи;
- Компенсацияловчи;
- Мослашувчи;
- Ресоциализацияловчи;

Узлуксиз таълимнинг катта ёшлиларни ўқитиш тизимида учта асосий йўналишини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- кенг маънода саводхонликни ўргатиш, бу ўз ичига компьютер саводхонлиги, ижтимоий саводхонлик ва бошқаларни олади;

- касбий ўқитиш, бу ўз ишига касбий таёргарлик, қайта ўқитиш, малака ошириш ва бошқаларни олади;

- меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлмаган қўшимча билим олиш;
Ўқимишлиликнинг умумий ижтимоий кўрсаткичи сифатида инсонда саводхонлик, касбий малака ва маданият кўрсатилади. Ушбу тушунчаларни кенгрок таъриф берамиз.

Саводхонлик - бу шахснинг ижтимоий-педагогик характеристикаси бўлиб, ўқий олиш, ижтимоий-маданий, ахборотларни қабул қилиш ва тушуниш лаёқатидир. Инсоннинг саводхонлик даражаси унга жамиятда эгаллаган у ёки бу билимларга эга бўлиш, уларни қабул қила олиш ва инсон теварагидаги табиат ва жамиятга, ижтимоий шароитга мослашиш даражасини белгилайди. Бугунги кунда катта ёшли аҳолининг саводхонлик муаммоси унинг ўқий олиш кўникмасига эга бўлишдан ҳам кенгрок маънони билдиради.

XX асрнинг 90-йилларида “**функционал саводсизлик**” тушунчаси муомилага кириб келди. Бу тушунча ўз камровига тўлақонли ҳаёт кечириш, жамиятнинг бошқа аъзолари билан муомилага киришиш ва жамиятнинг маданий ривожланиши билан тенг бўла олиш учун зарур бўладиган билим, малака ва кўникмаларга эга бўлмаслик тушунчасини олади. Янги иқтисодий ва ижтимоий-маданий воқелиқда ахборот жамияти, очик, тез ривожланаётган жамият шароитида фаолият юрита олмаслик, янгиликларга тез мослаша олмаслик жамиятдаги катта ёшлилар қатламининг кўпчилигига хосдир. Катта авлод вакиллариининг кўпчилиги интернет, янги маиший техникалардан, банк хизматларидан, хорижий корхона ва ташкилот хизматларидан фойдалана олишмайди.

Инсоннинг касбий малакаси – бу бугунги кунда ўз касбий вазифаларини шу бугунги кун талаблари асосида, қабул қилинган стандартлар ва нормаларга мос равишда амалга ошира олишидир. Касбий малака асосини инсоннинг базавий билимлари ташкил этади.

Замонавий ишлаб чиқаришга янги технологияларнинг жорий этилиши, ахборот технологияларининг тезлик билан ҳаётнинг ҳамма жабҳаларига кириб келиши инсоннинг касбий малакасини доимий равишда ошириб боришини тақозо этади.

Узликсиз таълим олиш жараёнида билим олишни шартли равишда 3 га бўлишимиз мумкин:

1. **Расмий таълим** - бу давлат таълим муассасаларида давлат таълим стандартлари асосида таълим олишдир. Ушбу ўқиш якунида инсон диплом, аттестат ёки сертификатга эга бўлади. Маълум бир касб-хунар эгаси бўлиб, касбий билим, малака ва кўникмаларга эга бўлади.

2. **Норасмий таълим**- бу тушунча турли хил таълим олиш программалари, ўқув курсларида таълим олишни кўзда тутаяди, лекин бу таълим олиш жараёнида ҳеч қандай ҳужжатга эга бўлинмайди. Норасмий таълим инсон ҳаётининг барча босқичларида унинг маънавий камол топиши, унинг кизиқишлари ва шахс камолотини рўёбга чиқаришга ёрдам бериши мумкин.

3. **Тартибсиз (информал) таълим**- бу тушунча инсоннинг ҳаёти давомида бошқалар билан мулоқот қилиш жараёнида, оммавий ахборот воситалари таъсирида, маърифий тадбирлар ёрдамида, китоб ўқиш жараёнида, ўз ҳаёт тажрибаларидан, ўзгаларнинг ҳаёт тажрибаларини ўрганиш давомида маълум билим, кўникма ва малакага эга бўлиб боришни билдиради. Катта ёшлар таълимида билим олиш масканлари нафақат университетлар, ўқув аудиториялари ва кутубхоналар, балки, ҳамкасблар, дўстлар, фарзандлар ва оммавий ахборот воситалари ҳам бўлиши мумкин.

Андроғоғ бир нарсани яхши англаши керак, инсоннинг узлуксиз билим олиш жараёни бу инсонларни ишлаб чиқаришни, иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган қуруқ таълим олиш тизимини яратиш эмас, балки ундан ҳам чуқурроқ жараёндир. Узлуксиз равишда доимий билим олиш таълим олиш муддатлари, қоидалари билан чегаралнмасдан инсонни ҳаёт давомида янгиликлардан хабардор бўлиш, янги билим ва кўникмаларни узлуксиз эгаллаб

бориш, бир сўз билан айтганда ҳаёт шиддати билан тенг қадам ташлашга қаратилган ихтиёрий жараёндир. Бу таълим олиш жараёнининг асосий иштирокчиси ҳам, бошқарувчиси ҳам инсоннинг ўзи, чунки унинг ўзи таълим олиш керакли ёки керакмаслигини, таълимни қандай шаклда ва кимдан олишни ва унинг муддатларини белгилайди. Бу жараён асосан инсоннинг ихтиёрий хоҳиш истагига боғлиқ.

1.2. Андрагогиканинг асосий тамойиллари, шакл, метод ва воситалари

Катта ёшлиларни ўқитиш назарияси ва амалиёти жаҳон тажрибасида бир неча босқичларни босиб ўтган. Катта ёшлиларни ўқитиш тарихи XIX асрнинг 30-йилларидан бошланган. Европа ва Американинг кўпгина давлатларида бу даврда ишлаб чиқаришнинг тез ўсиши ва жамиятнинг ижтимоий ҳаётининг ривожланиши юз бермоқда эди. Айнан шу даврда ушбу мамлакатларда катталарни ўқитишнинг дастлабки тажрибалари тўплана бошлади.

“Андрогогика” термини дастлаб XIX асрнинг 30-йилларида Германияда пайдо бўлади ва дарҳол олимлар ўртасида кучли баҳсга сабаб бўлади. Катта ёшлиларни ўқитиш ғоясининг мустақил фан сифатида қабул қилиш ғоясига машҳур файласуф ва педагог И.Гербарт қарши чиқади. Бирок, XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия ва бошқа хорижий мамлакатлар матбуотида таълим соҳасида фаолият юритаётган олимлар, педагогларнинг катта ёшлиларни ўқитиш ҳақидаги ўз ижобий қарашлари баён қилинган мақолалар, илмий қарашлар пайдо бўла бошлади.

XIX аср охирида катта ёшлиларни ўқитиш тушунчаси мустақил фан йўналиши сифатида қабул қилина бошланди.

Бу даврда турли мамлакатларда катта ёшли аҳолини ўқитиш ишлари олиб борилади. Халқ мактаблари, жамоат университетлари фаолият кўрсата бошлайди. Ушбу ишларнинг жонкуярлари орасида Николай Грунтбиг алоҳида ўрин тутади. У Скандинавияда халқ мактабларига асос солади.

XX аср бошларида катта ёшлиларни ўқитиш муаммоси олимлар томонидан инсонни ўрганувчи фанлар қаторига киритилади (Durko M. Pedagogical aspects of adult education. University textbook. - Budapest, 1966; Bromley D.B. Age and Adult Education. // Studies in Adult Education. Newton Abbot, Oct 1970. - W. 2, N 2.).

Биринчи навбатида бу психологиянинг инсоннинг турли ҳаёт босқичларида психик ривожланиши жараёни билан боғланади. Бу вақтда инсон ҳаётининг ҳамма босқичида ҳам таълим олиши мумкинлиги ҳақидаги қарашларга шубҳа билан қаралган ва буни исбот қилиш зарур эди. Америкалик тадқиқотчи Е.Торндайкнинг "Психология обучения взрослых" асарининг ва катта ёшлиларни қайта ўқитишга оид бошқа тадқиқотларнинг (Ж. Деуей, Е.Эриксон, Р. Гоулд, О.Бримм ва б)чоп этилиши фан оламида ушбу масаланинг чуқур ўрганилишига катта тurtки бўлади (Dewey J. Democracy and Education. An Introduction to the Philosophy of Education. New York, 1966; Challenges of Humanistic Psychology. Ed. by J.F.T.Bugental, N.Y.,1967).

XX аср 1-ярмида жаҳон мамлакатларида рўй берган иктисодий, экологик инкирозлар жамиятдаги кадрятлари ва одатлар, шу жумладан таълимга бўлган муносабатни қайта қуриб чиқишга мажбур этди. Ишсизликнинг кўпайиши, фан ва техникадаги тараққиётлар катта ёшдаги аҳолининг ўқишга, ўрганишга ва ўз навбатида уларни ўқитишга, қайта тайёрлашга, янги касбий малакаларни ўргатишга бўлган эҳтиёжни кучайтирди. Бу эса ўз навбатида катта ёшлиларни оқитиш методикаси, асосий йўналишларини халқаро миқёсда ўрганиш ва такомиллаштиришга олиб келди.

Бугунги кунда катта ёшлиларни ўқитиш соҳасидаги энг йирик ташкилот бу ЮНЕСКО (www.education.unesco.org) дир. Бу халқаро миқёсидаги таълим, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи йирик ташкилотга 188 давлат аъзо. Юнеско қошида 600 дан ортиқ давлат ташкилотлари фаолият кўрсатади. ЮНЕСКО фаолиятининг муҳим тармоқларидан бири бу катта ёшлилар таълимидир. 1997 йил июлда Гамбург шаҳрида ўтказилган бешинчи халқаро конференция ҳам катта ёшлиларни ўқитиш масаласига бағишланган (Hamburg

Declaration on Adult Learning. The Fifth International Conference on Adult Education. — Hamburg (www.education.unesco.org). Бу халқаро конференсияда 140 мамлакатдан келган делегатлар ва шу жумладан БМТ, ЮНЕСКО раҳбарияти, турли мамлакатларнинг таълим, маданият министрлари ҳам иштирок этдилар. Конференсияда катта ёшлиларни ўқитиш жамиятнинг изчил ривожланишининг гарови эканлиги қайд этилди.

Гамбург конференциясининг натижаларига кўра бугунги кунда дунёнинг кўпгина мамлакатларида катта ёшлиларни ўқитиш, уларнинг узлуксиз таълим олишига шароит яратишга қаратилган махсус ижтимоий дастурлар ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Бугун дунёда катта ёшлиларни ўқитиш масаласи ва ўқишни, қайта касбий билим олишни истовчи катта ёшлиларни қўллаб - қувватлаш ва уларга шароит яратиб беришга қаратилган, ўз давлатида ёки халқаро миқёсда ҳам фаолият юритувчи таълим марказлари мавжуд. Назарий жиҳатдан бу соҳадаги изланишларга ЮНЕСКОнинг таълим институти (Гамбург) ва Халқаро таълимни режалаштириш институти (Париж) бошчилик қилади. Халқаро таълим институти (АҚШ), Швеция катта ёшлилар таълими ташкилоти, Халқаро педагогик марказ (Франция), Катта ёшлилар таълими Миллий институти (Буюк Британия), Халқаро педагогик изланишлар институти (Германия) ва бошқалар бу соҳада изланишлар олиб боровчи йирик марказлардир.

Ушбу марказлар ва бошқа ташкилотларнинг қўллаб қувватлаши билан катта ёшлиларни ўқитиш соҳасида катта масшабли миллий ва халқаро изланишлар амалга оширилди. Масалан, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт халқаро ташкилоти томонидан 1994 йилда катта ёшлилар саводхонлигини тадқиқ қилиш (Интернационал Адулт Сурвей-ИАЛС) бўйича изланиш ўтказилди. Ушбу тадқиқот доираси Канада, АҚШ, Швеция, Нидерландия, Полша, Германия, Швецияни қамраб олди. 1997 йилда Буюк Британияда катта ёшлиларни ўқитишга бағишланган улкан тадқиқот (НАЛС) ўтказилди. Унда 16 ёшдан 69 ёшгача бўлган 5500 нафар одам иштирок этади.

Кейинги йилларда Европа иттифоқи мамлакатларида узлуксиз таълим олишнинг умумевропа тизимини ишлаб чиқиш учун тадқиқотлар олиб бормоқда ва ушбу ишлар натижаси сифатида “Узлуксиз таълим Меморандуми” лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Унда айтилишича узлуксиз равишда таълим олишнинг долзарблиги иккита омилга таянади:

- билим, европа жамиятида ракобатнинг ва меҳнат бозори талабларининг ўсиб бориши доимий равишда янги билим ва кўникмаларни эгаллашга интилишнинг ошишига сабаб бўлади

- мураккаб ижтимоий-иқтисодий европа муҳити инсондан ижтимоий жараёнлар иштирокчиси бўлишни талаб этади, бу эса тўлақонли ривожланишсиз мумкин эмас.

Юқоридаги омиллар ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан узвий боғланган бўлиб, катта ёшлиларни ўқитишнинг қуйидаги асосий мақсадларини ажратади: фаол фуқаро позициясини шакллантириш ва меҳнат бозорида ракобатбардошликни таъминлаш.

Янги базавий билимлар ва кўникмаларни ўзлаштириш катта ёшлилар учун ахборот жамиятига мослашиш ва унда тўлақонли иштирок этишни кафолатлайди.

“Узлуксиз таълим Меморандуми” лойиҳасида Европа мамлакатларида замонавий тараққиёт доирасида катта ёшлиларни ўқитиш олиб бориладиган асосий тамойиллар ишлаб чиқилган.

Таълим бериш тизимини тубдан ўзгартирган катта ёшлиларни ўқитиш тизимининг ишлаб чиқилиши, таълим олишнинг осонлаштирилиши, таълим беришнинг турли воситаларидан фойдаланишни ривожлантириш маҳаллий раҳбар органлар зиммасига ҳам катта маъсулият юклайди. Инсонлар сифатли таълим олиш учун энди ўз уйдан узокқа кетишлари шарт эмас. Таълимни уйга яқинлаштириш тамойили маърифий марказларни айнан инсонларга яқин ҳудудларда: мактабларда, олий ўқув юртларида, кутубхоналарда, клубларда,

истироҳат боғларида, диний марказларда, дам олиш масканларида ва иш жойларида ташкил қилишни тақозо этади.

Андрогиканинг анъанавий педагогикадан асосий фарқи таълим бериш жараёнида таълим берувчининг эмас, балки, таълим олувчининг асосий рол ўйнашидир. Бунда таълим берувчининг асосий фаолияти бундай шароитда таълим олувчига ўзида мавжуд билимларни янгилаш, янги билим ва кўникмаларни эгаллашга ёрдам бериш ҳисобланади. Шундай шароитда таълим бериш методларида ҳам ўзгаришлар юз беради. Андрагогика маърузалардан кўра тадқиқотчилик, баҳс-мунозара, кейс, аниқ масала ва муаммоларни ҳал қилишга қаратилган амалий машғулотларни устун қўяди. Бундан ташқари, назарий билимларни эгаллашга муносабат ўзгаради. Биринчи ўринга фаннинг турли соҳаларига оид билимларни эгаллаш ва лойиҳаларни бошқара олиш кўникмасига эга бўлиш масалалари чиқади. Бунда катта одамларнинг ахборотларни қабул қилиш, хотирада сақлаб қолиш, фикрлаш жараёни ёш болаларники ва ўсмирларники каби маҳсулдор эмаслиги ўзига хос қийинчилик туғдиради, Бу эса ўқитиш жараёнида ўқитиш методологиясини биринчи ўринга чиқаради ва турли хил методлар ва ўқитиш воситаларидан фойдаланиш, эса қолдиришнинг турли усулларидан фойдаланишни тақозо этади. Бундан ташқари катта ёшли одам ўзининг шаклланган дунёқараши, тушунчалари, жамиятдаги ўзгаришларга ўз нуқтаи-назарига эга бўлади. Бироқ буларнинг айримлари бугунгу кун учун эскирган бўлиши, замонавий тараққиёт жараёнига тўғри келмаслиги ёки, у билан қарама қарши бўлиши мумкин. Бундай шароитда катта ёшлиларни ўқитиш нафақат янги билим ва кўникмаларни эгаллашга, балки эскирган эски дунёқараш ва нуқтаи назарларни “йўқойиш”га ҳам қаратилади.

Замонавий фан андрагогиканинг қуйидаги асосий тамойилларини ажратиб кўрсатади:

1. **Мустақил таълим олиш тамойили.** Бу тамойилни амалда қўллаш учун, олдиндан тайёргарлик талаб этилади: таълим программасини тузиш, ўқув материални танлаш ва чоп қилиш, ўргатувчи компьютер дастурларини яратиш.

Бу жараёнда фақат ўрганилиши керак бўлган адабиётларнинг рўйхатини тузиш кифоя эмас. Бу тамойил катта одамнинг ўқув материаллари билан шошмасдан танишишини, терминларни эслаб қолиши, тушунчага эга бўлиши, жараёнини англаши ва уни амалга ошириш технологияларини ўзлаштиришини назарда тутати. Бунда замонавий масофадан туриб ўқитиш ёрдамга келиши мумкин.

2. **Ҳамкорлик тамойили** - таълим олувчининг таълим олиш жараёнида гуруҳдошлари ва таълим берувчи билан биргаликдаги ҳамкорлиги

3. **Орттирилган ҳаётий тажрибалардан фойдаланиш тамойили** - таълим олувчининг ҳаёти давомида орттирилган ижобий ҳаётий тажрибаси, амалий билимлари, кўникма ва малакаларини таълим олиш ва янги билимларни эгаллашда асос бўлиб хизмат қилиши.

4. **Эскисидан қутулиш тамойили** - янги билим ва кўникмаларни эгаллашга тўсқинлик қилувчи эски қарашлардан воз кечиш.

5. **Индивидуаллик тамойили** - ўқитишда таълим олувчининг эҳтиёжлари, унинг ижтимоий-психологик ўзига хослигини, унинг вақти ва фаолиятини инобатга олган ҳолда индивидуал ёндошиш.

6. **Эркинлик тамойили** - таълим олувчига мақсадни танлаш, таълим шакли, методи, манбалари, муддати, вақти, таълим олиш жойи ва ўқитишнинг натижаларини аниқлашда эркинлик беришни назарда тутати.

7. **Онглилик тамойили** - ушбу тамойил таълим олувчининг таълим олишга онгли ёндошувини ва бу эса, ўз навбатида ўз-ўзини мотивациялашнинг ажралмас қисмидир.

8. **Амалий натижа тамойили** - таълим олиш жараёнида таълим олувчи олаётган билим ва кўникмаларини хўжалик ва ишлаб чиқариш фаолиятида амалда қўллаш олиш.

9. **Тизимли ўқитиш тамойили** - бу тамойил таълимнинг мақсадига қараб таълим мазмуни, шакли, методлари, ўқитиш воситаларини ва натижани тизимли ташкил қилишни назарда тутати.

10. **Долзарблик тамойили** - бу тамойил ўзидан олдинги тамойилларни тўлдириб эгалланган янги билим, кўникма ва малакаларни дарҳол амалда қўллай олишни назарда тутади.

11. **Ривожлантириш тамойили** - таълим олиш шахсни камолотга етказишга, яширин иқтидорини юзага чиқариш, тўхтовсиз ўз устида ишлашга, амалий фаолият жараёнида янгиликларни ўзлаштиришга қаратилиши.

Катта ёшли одам таълим олиши жараёнида ўрганаётган билим, малакалари айнан нима учун керакигини аниқ билиши керак, зеро у учун ҳаётнинг ҳар қандай босқичида таълим олиш касбий ёки ҳаётий жараёнда ўз ўрнини топишга қаратилган бўлади. Айнан, ана шу жиҳатлар билан улар ёшлардан фарқ қилади ва уларда мақсаднинг аниқлиги, ўқиш-ўрганишга бўлган мотивациянинг кучлилиги кузатилади.

Катта ёшли одам таълим жараёнида иштирок этар экан, ёки оддий қилиб айтганда ўқитувчининг хизматини “сотиб” олар экан, у олаётган хизматининг сифатли бўлишига жиддий эътибор қаратади. Ёшлардан фарқли равишда таълим олиш жараёнида ёлғондакам қизиқишни кўрсатишмайди, балки ўзи учун қизиқарли ёки керак бўлмаган билимларни очиклик билан рад этади. Ўз муносабати ёки норозилигини очик билдиради, чунки ўрганилаётган билим ва кўникмаларга эга бўлишдан унинг ўзи манфаатдорлигини яхши тушунади. Бу эса таълим сифатига янги талабларни қўяди. Шу сабабли андрагог таълим бериш жараёнида катта ёшли ўқувчининг ўзига хослиги, дунёқарashi ва бошқа жиҳатларига эътибор қаратиши зарур.

Катта ёшли ўқувчи билан ишлашда таълим бериш ҳамкорлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва ўзаро ёрдам тамойилларига асосланиши керак. Ҳар қандай ёшда инсонда болалар каби муваффақиятсизликдан қўрқиш ҳисси кучли бўлади. Шунинг учун ҳам таълим жараёни муваффақиятга йўналтирилиши мақсадга мувофиқ. Катта ёшлиларни ўқитишнинг умумий ва касбий малакаларини янгилашга қаратилган назарияси, методик асосларини яратиш устида иш олиб борар экан, андрагогика инсоннинг умри давомида ўқиб - ўрганиш давом этишини назарда тутади.

II БОБ. АНДРАГОГИКА СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАР

2.1. Дунёда катталар таълимнинг глобаллашув жараёнлари ва ривожлантириш тенденциялари.

XXI асрнинг бошларида дунёда бутун хаёт мобайнида таълимнинг (**lifelong education**) қуйидаги модели шаклланди: расмий (формал), норасмий (ноформал) ва информал. Расмий таълим - давлат стандартлари асосидаги умумий, олий ва касбий таълимлар тизимини ташкил этади. Норасмий таълим – расмий таълимдан ташқарида бўлган ва уни тўлдириб турувчи турли хил ташкиллаштирилган таълим турларидир. Информал таълим бу, оила, дўстлар, қизиқишлар, ахборот воситалари ва бошқаларнинг таъсири тушинилади. Ушбу таълим турларининг барчаси бир-бири билан боғлиқдир. Катталар учун таълим муассасалари турларининг қуйидаги синфланиши мавжуд:

- Олий халқ мактаблари, ёки халқ университетлари (аҳолининг барча қатламлари учун кенг ўрганиш спектри бўлган норасмий кўп вазифали таълим муассасалари);
- Кечки мактаблар (ўрта мактабни тамомламаган инсонлар учун умумий ёки касбий таълим беради);
- “учинчи ёш” университетлари (нафақага чиққан кекса инсонлар таълими учун)
- Ўқув марказлари (ходимларнинг малакасини ошириш ва касбий қайта тайёрлаш учун махсушлаштирилган ўқув муассасалари).

Ташки омил сифатида биз дунёда глобаллашув жараёнларининг контекстида ва катта ёшдагилар таълимини ривожлантириш тенденцияларида ушбу муаммони тушиниш зарурлигини белгилаймиз.

Хусусан, дунёда катталар таълимнинг муаммолари билан хам шуғулланувчи халқаро ва халқ марказлари ташкил этилган:

- ЮНЕСКО таълим институти (Гамбург),
- Ҳалқаро таълимни режалаштириш институти (Париж),
- Ҳалқаро таълим институти (АҚШ),
- Швейцар катталар таълими ташкилоти,

- Катталар таълимнинг миллий институти (Буюк Британия), -
 Ҳалқаро педагогик тадқиқотлар институти (Германия) ва б.

Дунёда “ўрганувчи” шаҳарлар ва минтақалар пайдо бўлди. “Ўрганувчи” шаҳарлар ғоясини ривожлантиришда Япония етакчи бўлди. Бошида, Япониядаги Какегава шаҳрининг ҳокимияти, фуқароларни пойтахтга кетиб қолмасликлари учун, олган таълимларини давом эттиришга жалб қилишди, 1971 йилда эса Какегава “бутун умри давомида ўқийдиган шаҳар” деб эълон қилинди. Бу умрбод таълим фикрини кўзда тутати ва жамиятда янги муносабатларни ўрнатмоқ деб изоҳланади. Ҳозирги вақтда Японияда “ўрганувчи” шаҳарлар кўп, таълим муниципал даражада, ҳамда хусусий нотижорат ташкилотлар томонидан ўтказилади. “Ўрганувчи” шаҳарлар орасида ўзаро аълоқа йўлга қўйилган, бу эса тажриба алмашишга қўмақ беради. XX аср охирида “ўрганувчи” шаҳарлар ёки уюшмалар ҳаракатига дунёдаги кўплаб мамлакатлар қўшилди. Мисол учун, Австралия ўрганувчи шаҳарларни бирлашмага айлантириш ташаббуси билан чиқди. У бутун умр давомидаги таълимнинг ғояси асосида социал-иктисодий ривожланишнинг концепцияларини ишлаб чиқиши ва қўллаши мумкин дейилди. Бу ташаббус Дунё банки томонидан қўллаб қувватланди. Австралияда ҳосил бўлган ўрганувчи шаҳарлар тармоғи халқаро юридик шахс ҳисобланади.

“Ўрганувчи” шаҳарлар ғояси Германияда тез ривожланиб кетди. Н.П.Литвинованинг тадқиқотларига кўра, 2001 йили “ўрганувчи” шаҳарлар ҳаракати 3та қатнашувчидан иборат бўлган бўлса, 2002 йилда 54 та, ҳозирги кунда эса 91 та шаҳар қатнашмоқда. Ушбу ғоянинг машҳурлигига – кўплаб базалар борлиги,

1960-йилларда шаклланган турли хил номли “Олтин куз”, “Жаноблар” ва б. ижтимоий бирлашмалар ва халқ университетлари сабаб бўлган. Бундай университетлар кексалар учун гуманитар ва ижтимоий фанларни ўрганишлари мақсадида ташкиллаштирилган.

Бизнинг кунда, катталар таълими концепцияси Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Венгрия, Греция, Германия, Дания, Италия, Испания, Ирландия,

Кипр, Литва, Нидерландия, Норвегия, Польша, Португалия, Словения, Румыния, Финляндия, Швейцария ва бошқа мамлакатларнинг таълим тизимларига киритилган (Комиссия Европейских сообществ: сообщение Комиссии «Образование взрослых: никогда не поздно учиться». Брюссель, 2006.).

Европа иттифоки, бутун умр давомида ўқиш ғояси асосида қурилган, фаол фуқаролар жамиятини ва ижтимоий интеграциясини қуриш сиёсатини олиб бормоқда. Дунёнинг ҳар хил шаҳарларида конференциялар, конгресслар, саммитлар ўтказилмоқда. Ушбу фаолиятни ривожлантиришга йўналтирилган халқаро аҳамиятга эга қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, 1997 йилда Гамбургдаги Халқаро конференцияда БМТ раҳбарлигида катталар таълими ҳақида “XXI аср эшигини очувчи калит” деб номланган Гамбург декларацияси қабул қилинган. Асосий масалалардан қуйидагилар муҳокам этилди: саводсизликни тугатиш, аёлларни таълим олиш ҳуқуқларини кенгайтириш, дунё маданияти, фуқаролар таълими ва демократия, тенглик, саломатлик, турғун атроф муҳит, туб аҳолининг таълими ва маданияти, иқтисодни ўзгартириш, ахборотга руҳсат, аҳолининг қариши ва ҳ.

Охириги йилларда Европа иттифоки давлатларида инсоннинг бутун ҳаёти давомида таълимни давом эттиришга қаратилган умумевропа тизимини яратиш ҳаракатлари ўтказилмоқда. Муҳокама учун узлуксиз таълим Меморандумининг (2000 йил) 26 - лойихаси келтирилган, бу яқин ўн йиллик европа таълим сиёсатини аниқлаб бериши керак эди (узлуксиз таълим Меморандуми).

Европа давлатларида катталар таълимини ривожлантириш қуйидаги муҳим принциплар асосида режалаштирилмоқда: ҳамма учун янги асосий билимлар, инсон манбаларига инвестицияларни ошириш, ўқитишнинг инновацион усуллари, олинган билимларнинг баҳоланишини янги тизими, мураббийликни ва маслаҳатни ривожлантириш, ўқув тармоқлари, маслаҳат пунктлари ва инфорацион технологиялар ёрдамида таълимни имкон қадар яшаш жойларига ва уйга яқинлаштириш.

2002 йилда Софияда катталар таълими юзасидан конференция бўлиб ўтган, унда Европа, Шимолий Америка ва Марказий Осиёдан 200 нафар делегатлар катнашдилар. Кўп давлатларда ушбу муаммога кераклича эътибор берилмаётганлиги айтиб ўтилди. София конференциясининг ЮНЕСКО, Европа Иттифоқи, барча регионал ва миллий ҳукумат органлари, турли хил ташкилотларга мурожаат қилинган тавсиялари орасида қуйидагилар берилган эди: катталар таълими дастури бўйича мақсадлар координациясига кўпроқ аҳамият бериш, ижтимоий аҳамиятига қараб формал, ноформал ва информал таълимни тенглаштириш, бу дастурларни маблағ билан таъминланишини кўтариш, инсонга жамиятнинг ижтимоий, маънавий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётида муваффақиятли иштирокида ёрдам берувчи маҳорат ва кўникмаларни киритиш, таълим дастурларига ўқиш, ёзиш ва компьютер саводхонлигига кўшимча қилиб тинчлик ва келишувни сақлаш учун халқаро ҳамкорликни ва маданиятларо таълимни кенгайтириш, айниқса Ўртаер денгизи, Балкан ярим ороли ва Кавказ регионларига эътиборни кучайтириш.

2009 йили Белен шаҳрида (Бразилия) “Муваффақиятли келажак учун яшамок ва ўқимок: катталар таълимининг муҳимлиги” VI Халқаро конференцияси бўлиб ўтди, бунда дунёнинг 156 та давлати иштирок этди. Конференцияда “Қуруқ гапдан ҳаракатга” резолюцияси қабул қилинди, барча давлатлар фуқароларнинг таълими йўлида турли хил имкониятларни қўллашга қақирилди. Конференцияда қайд этилгандек, асосий муаммолардан бири – статистик кузатувларнинг номукамаллиги сабабли катталар таълимининг реал ҳолати ҳақида маълумот йўқлиги.

Катталар таълими тизимининг асоси юридик ва ижтимоий-иқтисодий компонентларга таянувчи педагогик таркибдан иборат. Катталар таълимининг назарияси ва амалиёти қонунчилик даражасида ёрдам талаб қилади. Бундай таълим бўйича муваффақиятли малакаси бор жойларда давлат кўп пул маблағлари ажратади. Жамият бундай ташаббусни фаол қўллаб қувватлайди, ва йилдан йилга катталар таълимини олувчилар сони ортиб бормокда. Бунда

катталар таълимининг ижтимоий иқтисодий асослари, юридик асослари ҳамда педагогик асосларига алоҳида эътибор қаратилган

Европа Иттифоқида катталар таълимини ташкил этиш тажрибалари Швеция ва Франция давлатларининг катталар таълим тизими мисолларида қўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Айнан Скандинавия давлатларида катталарни ўқитиш бўйича тарихий бой тажрибага эътибор бериб ишининг олдинги бўлимларида келтирилган. Яъни ушбу давлатларда пайдо бўлган андрагогиканинг илк ғоялари ва амалий ҳаракатлар Европанинг қолган бошқа давлатларига ва XIX асрнинг бошларида бутун дунёга тарқалган.

Қуйидаги схемада дунёда катталар таълим тизимининг ривожланиш омиллари кўрсатиб берилган. (1расм).



Швецияда катталар таълими давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб белгиланган ва давлат катталар таълимини ривожлантиришга қаратилган турли дастур ва проектларни рағбатлантиради.

Швед катталар таълим тизими қуйидаги компонентлардан иборат:

1. **Давлат таъсарруфида (Grundvux)** – катталар таълимининг муниципалитет тармоғи бўлиб ҳисобланади.

2. Ҳизматчи – персоналлар таълими (корхона ва ташкилотлар ташкил этади), барча хизматчи ва ишчилар учун жойларидан ажралмаган ҳолда таълим ташкил қилиниб, кенг қамровли ўқув дастурларга эга.

3. Меҳнат бозорига қаратилган таълим- ишсизларни касб билан таъминлаш ёки бозор иқтисодиётига қаратилган ва талаб этилаётган янги касбни эгаллаш.

4. Folkbildning – катталарни нофармал таълим тизими, аҳолининг барча табақаларини қамраб олган.

Ушбу компонентларнинг катталар таълими тизимидаги асосий функцияларини кўриб чиқамиз:

1. Давлат таъсарруфида (Grundvux) таълим асосий ҳисобланиб, катталар таълим тизимининг давлат муниципалитет тизими ҳисобланади. Ушбу таълим тизимида мактабни битира олмаган, саводсиз қолган, эмигрантлар, ақли заиф катталар, швед турмаларидаги шахслар учун қаратилган.

2. Хизматчи – персоналлар таълими (корхона ва ташкилотлар ташкил этади), ташкилот ва корхоналар томонидан ташкил қилиниб, Швецияда энг кўп тарқалган катталар таълими йўналишидир, чунки хизматчиларнинг иш сифати уларнинг билим даражасига боғлиқ деб қаралади. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, давлат корхоналарида ишлаётган ишчи ва хизматчилар шахсий ва хусусий корхонадаги ишчиларга қараганда кўпроқ таълимга жалб этилади.

3. Меҳнат бозорига қаратилган таълим ишсизлар ва иш излаётганлар учун таълим тури ҳисобланади. Шунингдек, ушбу таълим турига билим ва кўникмалари замон талабларидан ортда қолганлар ҳамда таълим олишлари истагида юрганлар учун. Билимлари эскирган катталар учун махсус курслар таклиф қилинади.

4. Folkbildning – катталарни нофармал таълим тизими катталар таълими тизимида алоҳида ўрин тутади. Гимназия ва муниципалитет мактаб ёки Университетларни тамомлаганларидан сўнгги таълим. Хар бир швед умри

давомида албатда нофармал таълим тизимига мансуб Folkbildning курсларини тугатадилар. Folkbildning тизими барча катталар учун очик.

Қуйидаги схемада Швед таълим тизимида FOLKBILDNING (катталарнинг нофармал халқ таълим тизими) ўрни кўрсатилган (2- расм).

«**Халқ университетлари**» ёки катталар учун мактаблар бўлиб, у таълим масканларида катта ёшдагилар табиий илмий ва гуманитар фанлар бўйича тахсил олишларини таъминлайди.

Комвукслар – катталар учун муниципалитет гимназия (мактаб) хисобланади. Швецияда 284 та муниципалитет бўлиб, хар бир муниципалитетда шундай гимназиялар **Комвукслар** мавжуд. Муниципал гимназиялар мактаб тизимидаги стандартлар бўйича таълим беради, аммо уларнинг ўқув режаларига махсус катталар учун мўлжалланган ва уларнинг талаб ва хохишлари инобатга олинган ҳолда тузилган бўлиши хам мумкин. Ушбу дастурда 120 га яқин курслар мавжуд. Ўқув предметларини ўқувчилар ўзлари танлайдилар.

Олий халқ мактаблари (Folkhogskola). Олий халқ мактабларининг таъсисчилари бўлиб, жамоатчилик ташкилотлари, касаб уюшмалари, халқ ҳаракати жамоатчилиги, регионал кенгашлар, ноғижорат ташкилотлар ва черковлардир. Хар бир Folkhogskola ўзининг ўқув режаси ва дастурига эга.

Ўқув тўғарақлари - (Circles) . таъсисчилар бўлиб, маҳаллий таълим ассоцияларидир, улар Швециянинг ўқув тўғарақларини бутун давлат бўйлаб молиялаштиради.

Катталар таълимининг Франция тизими қуйидаги компонентлардан иборат:

1. Катталар таълимининг давлат сектори – таълимни давлат стандартлари бўйича ташкил қилинган жойларда, давлат стандартларини бажарилишини қаттиқ назорат қилади. **2.**

Катталарни касбга ўқитиш бўйича миллий ассоциация –марказлар кўрсатаётган таълим хизматлари эвазига, буюртмачи корхона ёки тингловчилардан келаётган маблағлар хисобига ўз ўзини тўла молиялаштиради.

Давлатнинг барча регионларида мавжуд бўиб, ўзининг таркибида 200 га маркази мавжуд.

3. Нодавлат таълим марказлари ва Университетлар – но тижорат дастурлар бўлиб, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, умум маданий таълим проектларини амалга оширади. Бу муассалар истемолчилар, спонсорлар ва муниципалитет давлат ёрдами ҳисобига фаолият кўрсатадилар.

2- расм

Мажбурий таълим (9 йил)			
Ўрта мактабнинг катта босқичи, гимназия (3 йил)			
(Grundvux) давлат таъсирруфи			
FOLKBILDNING			
(катталарнинг ноформал халқ таълим тизими)			
Халқ университетлари	Катталар учун муниципал гимназия (мактаб) (Kotuh)	Олий халқ мактаблари (Folkhogskola)	Ўқув тугараклари (Circles)

1. Катталар таълимининг давлат сектори – таълимни давлат стандартлари бўйича ташкил қилинган жойларда, давлат стандартларини бажарилишини қаттиқ назорат қилади. Таълимни яққунлаш процедураси ва битирувчиларни ишга тақсимлаш шулар жумласидандир. Умумдавлат миқёсида қабул қилинган ягона нусхадаги дипломлар, марказлашган ҳолда ва муниципалитет билан келишган ҳолда ишга тақсимлаш давлат сектори томонидан амалга оширилади. Ишга қабул қилишда республикада қабул қилинган стандартларга қаттиқ риоя қилади. Таълим муассаларини сертификатлаш хизматларини амалга оширади.

2. Катталарни касбга ўқитиш бўйича миллий ассоциация.

Миллий ассоциациянинг асосий вазифаларидан бири, давлатнинг қайси региони ва муниципалитетида қайта тайёрлаш ёки тайёрлаш бўйича ўқув

дастурларини амалга ошириш кераклиги хақидаги қарорни қабул қилади. Бу таълим муассаларида таълим жараёнига мослашувчанлик билан ёндашадилар. Машғулотлар тингловчиларни хоҳиши ва вақтини инобатга олган ҳолда, иш даврида, ишдан кейин, ишдан ажралган ҳолда ўқув жараёнларини ташкил қилишлари мумкин. Бу муассалар истемолчилар, спонсорлар ва муниципалитет давлат ёрдами ҳисобига фаолият кўрсатадилар. Марказлар кўрсатаётган таълим хизматлари эвазига, буюртмачи корхона ёки тингловчилардан келаётган маблағлар ҳисобига ўз ўзини тула молиялаштиради. Давлатнинг барча регионларида мавжуд бўлиб, ўзининг таркибида 200 та маркази мавжуд. Марказларда таълим дастурлари нафақат умуммиллий, ҳалқаро балким марказ ва университетларнинг ўзида яратилган дастурлар асосида олиб борилиши мумкин. Марказларда ҳалқ хўжалигининг барча йўналишилари бўйича, улар жами – 500 та мутахассислар тайёрланади. Таълим дастури тугагандан сўнг тингловчилар маҳаллий ҳокимият, корхона раҳбарлари ва педагоглардан ташкил топган хайъат олдида аттестация топширадилар. **3.**

Нодавлат таълим марказлари ва Университетлар – нотижорат дастурлар бўлиб, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, умум маданий таълим проектларини амалга оширади: чет тиллари курслари, қизиқишлар бўйича турли клублар, спорт бирлашмалари шулар жумласидандир.

GRETA - Groupements d'ETAbliissements publics locaux d'enseignement тузилмаси.

Бу муассалар истемолчилар, спонсорлар ва муниципаль давлат ёрдами ҳисобига фаолият кўрсатадилар. Universite Populaire Agglomeration Moulinoise – дастури энг машхур нодавлат муассаса бўлиб, бу ерда 500 нафарга яқин тингловчи таълим олади. Франциянинг катталар таълими давлат секторида ГРЕТА (GRETA - Groupements d'ETAbliissements publics locaux d'enseignement) тизими Франциянинг 28 та регионидида жойлашган 500 га яқин таълим марказларида фаолият олиб боради. Куйидаги схемада ГРЕТ давлат таълим тизими тузилмаси келтирилди:

GRETA – таълим дастурлари		
Groupements d'ETablissements publics locaux d'enseignement		
Франциянинг 28 та региони		
500 та таълим маркази		
Таълим шаклининг асосий турлари		
Таълимнинг формал курслари	Индивидуаллаштирилган таълим (асосий)	Ўқув бирликлари шаклидаги таълим
Касбий квалификация даражалари		
V даража- касбий яроқлилик ҳақида сертификат (CAP) ёки касбий билимга эгаллиги ҳақида сертификат (BEP)		
IV даража – Етуклик аттестациясининг аналоги ёки касбий билимга эгаллиги ҳақида сертификат (BEP)		
III даража – катта инженер техник сертификати аналоги (BTS), Техник Университетни тугатганлиги ҳақида диплом (DUT) ёки олий ўқув юртини биринчи поғанасини тугатганлиги ҳақида гувоҳнома		
II даража — Олий ўқув юртини иккинчи поғанасини тугатганлиги ҳақидаги гувоҳнома аналоги.		

2.2. «Катталар таълими» мутахассислиги бўйича Европа Иттифоқи университетлари дастурлари.

Ақсарият Европа Иттифоқи (ЕИ) Университетларида катталар таълими соҳаси мутахассиларини тайёрлаш бўйича дастурлар мавжуд. Болон жараёни доирасида кечган реформалар эса, ушбу соҳа мутахассисларни тайёрлашда янги импульс ва инновацион ғояларни яратилишига сабаб бўлди.

2009 йилда Европанинг 9 та давлатида ўтказилган таҳлил, мавжуд ўқув дастурларда ҳилма ҳиллик мавжуд эканлигини аниқлади. Катталар таълими соҳасида ишлаётган ёки шу соҳада ишлашни режалаштирганлар учун касбий таълим олишлари учун жуда яхши имкониятлар мавжуд (BMBF (Hg.) (2005):

Bachelor - und Master-Studiengänge in ausgewählten Ländern Europas im Vergleich zu Deutschland Fortschritte im Bolognaprozess. Bonn, Berlin.)

Болон жарёнида кечган реформа ўзгаришлари Европанинг кўп давлатларида ўқув дастурлар таркибини қайта кўриб чиқишга сабаб бўлди (Field, J. (2005): Bologna and an Established System of Bachelor's / Master's Degrees: The Example of Adult Education in Britain. In: Bildung und Erziehung. Н. 2. S. 207–220.).

Олий таълимни икки поғонали тизимга ўтиши ва халқаро дастурлари таклиф қилиниши, катталар таълими соҳасида янги мутахассисликларни пайдо бўлишига омил бўлди (Nuissl, E. (2005): Professionalisierung in Europa. In: Report 4/2005. Literatur- und Forschungsreport Weiterbildung. S. 47–56; Pätzold, H./Bruns, A. (2006): European Master in Adult Education. In: Lline 4/2006. S. 283–288).

Масалан 2007 йилда аккредитациядан ўтган Дуйсбург Эссен Университетида катталар таълимига йўналтирилган Европа магистрларини – **European Master Adult Education (EMAЕ)** тайёрлаш йўлга қўйилди. Бошқа томондан эса бу дастур янги тизимга киритиб бўлмайдиган амалдаги дастурларни йук бўлиб кетиш хафани камайтирди.

Германияда ушбу соҳа бўйича дастурлар тахлили охириги мартда 2005 йилда ўтказилди (*Faulstich/Graeßner 2005*). 2006 йилнинг ёз ойларида Европанинг 9 мамлакатада - Дания, Финляндия, Франция, Великобритания, Италия, Нидерландлар, Австрия, Швейцария, Швеция (*Bechtel/Lattke 2007*) – мамлакатлари Университетларида ўтказилган тадқиқотлар Европа иттифоқи олий таълим тизимида катталар таълими соҳасида касбий маҳоратни эгаллашлари учун кўп қиррали имкониятлар мавжудлигини кўрсатди (European Master in Adult Education. In: Lline 4/2006. S. 283–288)). Қуйида ўтказилган тадқиқотларнинг баъзи натижаларини баён этамиз:

1. Таклиф этилаётган ўқув дастурлар сони ҳақида.

Дастурларга баҳо беришда, Болон жараёни доирасида кўзда тутилган, катталар таълими соҳасига қаратилган олий таълим олишнинг биринчи поғанаси ёки малакасини ошириш ва таълимнинг 1- ёки 2- поғанасини тугаллаб, бакалавр

ёки магистр дипломлари ёки шу дипломларга эквивалентларини (масалан, кандидат/магистр *kandidat/magister* Швецияда), олишга қаратилган ўқув дастурлари кўриб чиқилди (Susanne Lattke. Studiengänge Erwachsenenbildung in Europa. Online in Internet: URL: <http://www.die-bonn.de/doks/lattke0701>).

Қуйидаги жадвалда ЕИ давлатлари университетларидаги мавжуд «катталар таълими» соҳасининг бакалавр ва магистр даражалари бўйича мавжуд дастурлар сони келтирилган (3-расм).

3 - расм

ЕИ мамлакатлари	1-поғона бакалавр	2-поғона магистр
Дания	2	6
Финляндия	7	9
Франция	2	15
Буюкбритания	0	32
Италия	0	9
Нидерландлар	8	10
Австрия	0	6
Швеция	0	4
Швейцария	0	3
Жами	19	94

2. Бакалавр даражаси ўқув дастурлари.

Юкоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, умуман олганда дастурларни иккинчи даражада концентрациялашганлигини таъкидлаш керак. Катталар таълим соҳасида Бакалавр даражасидаги дастурларни магистр даражасидаги дастурлар билан солиштириб кўрилганда, кўп давлатларда ёки умуман жорий этилмаган ёки жуда кам миқдорда тақдим этилган.

Факат Финляндия ва Нидерландия давлатларининг мавзуга йўналтирилган «катталар таълими» бакалавр даражасидаги ўқув дастурлари Болоня дастурларига солиштирма ҳажмда тўла тақдим этилди.

Ушбу ҳолатда, икки поғонали, педагогик маълумотнинг бирламчи базаси асосида босқичли таълим, чуқурлаштирилган таълимнинг 2-даражасига ўтиш кузатилди. Ушбу ҳолат Дания, Финляндия ва Нидерландия, Франция Университетларининг катталар таълими соҳаси бўйича ўқув дастурларига ҳам тегишли.

Бу шундан далолат берадики, шу кунга қадар катталарнинг қўшимча таълими соҳасида бакалавр даражасидаги мутахассислик дипломлари талабгор эмас.

Давом эттирилмайдиган дастурлар одатда катталар таълими йўналишидаги махсус дастурларга йўналтирилади ва давом эттирилади – масалан – Твенте Университетидаги дастур «таълим дизайни, менежменти & медиа - (**Bachelor in «Educational Design, Management & Media Twente»**) ёки 4 йиллик Арнхем олий мактабидаги «инсон ресурсларини ривожлантириш ва тренинги - (**Bachelor in «Training and Human Development», Hogeschool Arnhem**) каби дастурлар.

Магистр даражасидаги ўқув дастурлар

(Касбий тажрибага эга булганлар учун дастурлар)

Узлуксиз таълим дастурлари ёки моделлари, бирламчи олий таълимни кейинги поғонага уланиб кетиши Финляндия, Франция, Италия Университетларига хос.

Бошқа томондан эса, кўпгина давлатлар Болоня жараёни доирасидаги магистрлик дастурларидаги ўзгаришлар касбий фаолият билан биргаликда олиб бориш имкони яратилганлиги учун ҳам кулланилди.

Ушбу жадвалда ЕИ Университетларидаги мавжуд магистрлик дастурлари хақида маълумот келтирилди (4 -расм).

ЕИ мамлакатлари	Профессионал фаолият билан биргаликда ўқиш имконияти бор.	Профессионал тажриба бўлиши шарт
Дания	3 (6 дан)	2 (6 дан)
Финляндия	0 (9 дан)	0 (9 дан)
Франция	1 (15 дан)	1 (15 дан)
Великобритания	31 (32 дан)	8 (32 дан)
Италия	0 (9 дан)	0 (9 дан)
Нидерландлар	6 (10 дан)	2 (10 дан)
Австрия	3 (6 дан)	1 (6 дан)
Швеция	2 (4 дан)	0 (4 дан)
Швейцария	1 (3 дан)	1 (3 дан)

Буюкбританияда айтиб ўтилган дастурлар одатий қоида сифатида қабул қилинган. Бу давлатда икки поғанали таълим тизимининг кўп йиллик тарихига эга. Фақат кўп бўлмаган талабаларгина узлуксиз яъни бакалавриятурдан магистратурага ўтиш дастурларини танлайдилар (Field, J. (2005): Bologna and an Established System of Bachelor's / Master's Degrees: The Example of Adult Education in Britain. In: Bildung und Erziehung. Н. 2. S. 207–220). Баъзи магистрлик дастурлар учун эса касбий тажрибага эга бўлиши ҳатто шарт қилиб белгилаб қўйилган.

III БОБ. КАТТА ЁШЛИЛАРНИ ЎҚИТИШ: АСОСИЙ ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР.

3.1. Катта ёшлилар - ўқитиш субъекти сифатида.

Андрагогика катта ёшлиларни ўқитиш қонуниятлари асосида иш олиб боради. Катта ёшлиларни ўқитиш ҳақида гапиришдан олдин, кимларни катта ёшли деб ҳисоблаш мумкинлиги ҳақида билиб олсак.

Катта ёшли киши ким эканлиги ва андрагогика тушунчасида у қандай маъно касб этишини тушуниб олсак. Афсуски, мактабдан кейинги ҳаёт фаолияти жараёнида инсонлар ёши бўйича аниқ классификация мавжуд эмас. Одатда ёш категориялари нисбий бўлади: 30 ёшгача, 30 ёшдан-45 ёшгача, 65 ёш, 75 ёш ва ҳақозо, ёки болалак, ўсмирлик, йигитлик, қарилик даврлари ажратилади. Кўриниб турибдики, инсон ёши даврини аниқлаш бўйича турли қарашлар мавжуд, масалан, психофизиологияда инсоннинг хронологик ёши ва биологик ёши ажратилади:

Хронологик ёш - инсоннинг дунёга келган кунидан йил ҳисобидаги ёши.

Биологик ёш - инсоннинг ўсиши, ривожланиши поғонаси билан белгиланади.

Айрим олимлар томонидан инсоннинг ёши унинг ривожланиш даражаси билан белгиланади. Шундай олимлар борки, катта ёшли одам тавсифи унинг хронологик ёки биологик ёши билан эмас, балки унинг воқеликни идрок қила олиши билан белгиланади, деб ҳисоблайдилар.

Воқеликни тўлақонли ва бутун идрок қила олган инсонларгина катта ёшли деб ҳисобланади. Болалик ва ўсмирлик давридан ўтиб улғайиш даврига қадам босган инсоннинг ҳаётга муносабати ўзгаради, ҳаётий жараёнларга нисбатан ўз нуқтаи - назари шаклланди ва энди у ўз ҳаракатлари учун маъсулият ҳисси кучаяди. Бундай ҳолатнинг вужудга келишида табиийки, инсоннинг маълумоти ҳам катта роль ўйнайди. Шу нуқтаи назардан, андрагогикада ишлатиладиган умр бўйи ўрганиш- термини қўлланилади ва бу воқеликни тўғри изоҳлайди.

Катта ёшли инсон фаолиятини андрагогика нуқтаи назаридан таҳлил қилиш қуйидаги хулосаларни беради:

-Инсон ҳаётида доимо янгиликка интилиш, янги билим ва кўникмаларга эга бўлиш эҳтиёжи мавжуд

- инсон умри давомида муаммоларга дуч келади ва бу муаммоларни ҳал қилиш учун узлуксиз янги билимларни ўрганишга мажбур бўлади

- инсоннинг ҳамма ёшида ўзига хос эҳтиёжлари мавжуд

- инсон ёши, қобилияти, соғлиқ даражаси ва бошқа омилларга қарамасдан ҳамма вақт янги билимларни ўзлаштира олади

- ҳар бир инсоннинг ҳаёти давомида тўплаган ҳаётий тажрибаси унинг ўзи учун ҳам, бошқалар учун ҳам фойдали бўлиши мумкин.

Катта ёшлиларни ўқитиш жараёни болаларни ўқитиш жараёнидан фарқ қилади. Улғайиш даври ҳам ўз мазмун-моҳиятига кўра ҳам бир қанча босқичларга бўлинади.

Биринчи босқич бу ёшлик даври (18-30 ёш), бу даврда инсон ўз имкониятлари потенциалини юзага чиқара олади; оила қуриш, фарзандли бўлиш, жамиятдаги ижтимоий меҳнат ва ижтимоий-сиёсий жараёнларда қатнашиш имкониятига эга бўлади. Унинг олдида ҳар томонлама фаол ҳаёт кечириш имконияти очилади. Бу эса ўз навбатида ўз ҳаётий йўлини танлаш имкониятини беради.

Иккинчи босқич - ўрта яшарлик босқичи. Бу босқич ёшлик ва қарилик орасидаги босқич бўлиб 30 ёшдан -55-60 ёшгача бўлган давр билан белгиланади.

Кейинги босқич - кексалик давридир. Бу даврда инсон маълум ҳаётий тажрибага эга бўлади ва бу даврда ҳаёт йўли сарҳисоб қилинади. Инсон ўз тўплаган билим ва кўникмаларини бошқаларга ўргатишга интилади. Кексаларни ўқитиш муаммоси дунёда муҳим ижтимоий аҳамият касб этмоқда. Бу кўпгина ривожланган мамлакат аҳолиси салмоғида кексалар сонининг ортиши билан боғлиқ.

Катта ёшлилар таълимини ташкил қилиш жараёнида улар дуч келадиган турли қийинчиликларга олдиндан тайёргарлик кўриш керак. Таълимнинг замонавий шакллари катта ёшлилар томонидан тез қабул қилинмаслиги мумкин, чунки уларнинг таълим олиш кўникмаси бошқа даврда шаклланган. 40 ёшдан катта инсонларни бугунги кунда таълим жараёнида ахборотларнинг кўплиги, манбаларнинг турфа хиллиги ва бошқалар ҳайратга солади. Унинг учун ўз касбига оид янги маълумотларни эгаллаш ҳам қийинчилик туғдириши мумкин. Катта ёшли инсонларда ахборот воситаларини ўзлаштириш масаласи муаммо туғдириши мумкин. Чунки, бугунги ахборот технологияларининг шитоб билан ривожланаётган вақтида улардан фойдаланишни ўрганиш улар учун қийинчилик туғдиради.

Инсон ёши қанчалик катта бўлса, унинг таълим жараёнига тортилиши учун йиллар давомида эгаллаган айрим кўникмаларидан воз кечиши, ўз ички тўсиқларини енгиши шунчалик қийин бўлади. Қуйида шундай тўсиқларнинг кенг тарқалганларини қисқача кўриб чиқамиз.

Психофизиологик тўсиқлар. Баъзи катта ёшли одамларда янги билимларни ўзлаштира олиши борасида шубҳа бўлади. Бу шубҳалар ёш улғайиши билан инсонда ақлий салоҳият секинлашиши, хотиранинг пасайиши ҳақидаги қарашлар билан боғлиқ. Лекин, олимлар томонидан, ҳамма ёшда ҳам ўқиш, ўрганиш мумкинлиги исботланган.

Ижтимоий-психологик тўсиқ. Кўпгина катта ёшли одамлар, айниқса бирор бир раҳбарлик ўрнида ўтирган инсонлар қайтадан “ўқувчилик” мақомига тушишдан қўрқишади. Улар бу нарсага психологик тайёр бўлмайдилар.

Ижтимоий тўсиқ. Жамиятда янги билимларни эгаллаб боришга эҳтиёжнинг йўқлиги, ёки аксинча талабларнинг ниҳоятда юқорилиги катта ёшли инсонларда ўқиш, ўрганишга бўлган иштиёқни сўндиради.

Психологик-педагогик тўсиқ. Замонавий одамнинг умр бўйи ўқиб ўрганиши кераклиги ҳақидаги қарашнинг шаклланмаганлиги. Ёки инсон ўзини

умр бўйи ўқиб, ўрганишга, янгиликларни қабул қилишига, ахборот технологияларини ўзлаштиришга лаёқатли эканлигини ҳис етмаслиги.

Андроогог – катта ёшлиларни ўқитишни ўзига касб қилган инсоннинг бош мақсади ўз ўқувчиларида уларнинг ўқиш, ўрганишга бўлган қобилиятини шакллантириш, ўқиш, ўрганиш учун мақсадни аниқлаштириш ва замонавий жамиятда доимо жамият тараққиёти билан тенг қадам ташлаш учун узлуксиз янги билим ва кўникмаларни эгаллаб бориш зарурлигини сингдира олиш бўлиши керак. Катта ёшлиларни ўқитиш жараёнида андрагог бир қанча омилларни ҳисобга олиши лозим:

- Инсоннинг ёш билан боғлиқ муаммоларини;
- инсоннинг жинси билан боғлиқ психофизиологик ўзига хослигини;
- таълим жараёнининг мазмун моҳиятини;
- инсоннинг тўплаган ҳаётий тажрибаларини;
- таълим ва мулоқот ҳақида шаклланган андаза;
- ижтимоий мавқеини;
- ахборотга бўлган индивидуал эҳтиёжини;
- замон талабларини;

3.2. Ўзбекистонда катталар таълимининг амалиёти

Катталар таълимининг давлат сектори – малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш муассасалари киради, мутахассислар учун асосий хизмат кўрсатувчи бўлиб ҳисобланади, айниқса давлатнинг иқтисодиёт секторида ишлайдиганлар учун.

Уларнинг мўлжал гуруҳлари – педагоглар, шифокорлар, тиббиёт ходимлари, давлат ишчилари, маданият муассасалари ва ижтимоий соҳа мутахассислари ва х. Бу, мутахассисларда малакасини ошириш учун чиқимлар бюджет ҳисобидан қопланади. Кўплаб касб ходимларнинг даврий малака ошириши мажбурий ҳисобланади, ўқитиш муддати ва давомийлиги норматив ҳужжатлар регламенти асосида бўлади. Малака ошириш муассасаларининг

тизими махкамавий белги бўйича тузилган, тегишли вазирликларга бўйсинади ва кўп ҳолларда давлатники ҳисобланади.

Бундай ички тармоқли тизимга педагогик кадрларнинг малака ошириш муассасалари яхши мисол бўлиши мумкин.

Йирик шаҳарларда университетлар ва олий ўқув юртлари сезиларли ўринни эгаллайди. Улар қайта тайёргарликни таклиф этади ҳамда аҳолига хизмат кўрсатувчи марказларни яратади. Улар ишларининг кенг тарқалган йўналишларидан бири компьютер ва тил курслари, олий ўқув юртларига кириш учун тайёрлаш ва б. ҳисобланади. Малака оширишдан фарқли равишда, бундай хизмат турлари ўрганувчилар томонидан маблағ тўланади, қайта тайёрланиш бундан истисно.

Катталар таълимида муҳим йўналиш бўлиб, ишсиз ва банд бўлмаган аҳолига таълимни ташкиллаштириш ҳисобланади. Иш жойида таълим иш берувчилар, қасаба уюшмаси эътибори марказида бўлади. Улар тавсия қиладиган дастурлар асосан иш берувчилар маблағидан ва қатнашувчилар бадал пулларида тўланади. Маърифат ишларининг кўпини, айниқса маънавият соҳасида, маънавият уйлари, кутубхоналар ва клублар олиб борадилар. Одатда уларнинг ўқитиш фаолияти бошқа йўналишлардан ажралмаган, шунинг учун фаолиятининг майдонини баҳолаш учун статистик маълумотлар етарли эмас. Лекин, қишлоқ шароитида бу ташкилотлар маърифат учун ва катталарнинг ўқишини стимулловчи ягона жой бўлиб қолмоқда.

Мавжуд тизимда аҳолининг турли хил гуруҳлари учун кўптамоийлли ўқув юртларининг йўқлиги айрим ташкилотларни ўз фаолияти чегарасидан ташқарига чиқишга ва катталарни ўқитиш дастури ташкилотларига қўшилишга мажбур қилмоқда.

Катталар таълимининг нодавлат сектори, ўз навбатида тижорат ва ноижоратга бўлинади. Нодавлат ташкилотлар номахкамавий хусусиятга эга ва ноформал таълим дастурлари ҳисобидан хизмат спектрини кенгайтиришга йўналтирилган. Алоҳида таълим хизматлари бозор иқтисодиётининг ривожланишига ҳисса қўшади ва катта аҳолининг рақиббардошлик ва

харакатчанлигини мустахкамлайди. Аммо уларнинг хизматларидан аҳолининг оз қисмигина, пойтахт ва йирик шаҳарларда яшовчи, катта даромад олувчилар фойдалана олади.

Тижорат ташкилотлари қўшимча касбий малакаларни (компьютерда ишлаш кўникмалари, чет тилларини ўрганиш ва б.) таклиф қиладилар. Улар ижтимоий ваколатларини ривожлантириш (гуруҳда ишлаш, гуруҳда ўрин эгаллаш, стрессга чидамлилигини ошириш, коммуникатив кўникмаларни ривожлантириш ва б.) ҳамда айрим специфик касбий кўникмалар (тижорат вакиллари учун тренинг, савдо-сотикни фаоллаштириш ва б.) билан шуғулланади. Бу ерда, йирик хусусий корхоналарнинг топ-менеджерларини тайёрлашга йўналтирилган, замонавий тенденцияларни ҳисобга олиб ишлаб чиқилган корпоратив таълим дастурларини алоҳида эслатиб ўтиш керак. Тузилган хизматлар бозори бошқа давлатлардан, шу жумладан европанинг, ўхшаш ташкилотлари билан ўзаротаъсири асосида келиб чиққан. Катталарнинг қўшимча таълими кўп ҳолатларда асосий вазифаларга нисбатан компенсация, факултатив вазифаларни амалга оширади.

Нотижорат нодавлат ташкилотлар секторида катталар таълими биринчи навбатда, ижтимоий ва фуқаровий ваколатларни ривожлантиришга қаратилган. Уларнинг таълим ва маърифат дастурлари жамоа ва сиёсий ҳаракатлари, партиялар, қасаба уюшмалари етакчиларига ва бошқа ижтимоий ҳимоясиз фуқаролар категорияларига (қочоқлар, ишсизлар, кўп фарзандли оилалар, кам таъминланганлар), ҳамда бошқа касбий ва ижтимоий гуруҳларга (журналистлар, ўқитувчилар, талабалар ва б.) йўлланган. Таклиф қилинган дастурларнинг тематик спектри жуда кенг: қўшимча касбий маҳоратлар, ижтимоий ва умумфуқаровий ваколатларни ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари, иқтисодиёт, сиёсат, миллий маданият, гендер муносабатлар, экология муаммолари ва б. Лекин кўп ҳолларда уларнинг таълим фаолияти нерегуляр хусусиятга эга ва маблағ жихатдан ностабиллиги фақат конкрет лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган. Бундан ташқари, айтиб ўтиш керакки, кўплаб учинчи (нотижорат) сектордаги ташкилотлар маърифат, таълим ва маънавият

фаолиятлари билан шуғулланиб, уларни катталар таълимига мосламайди. Ушбу соҳада ўзини хизматлар етакчиси деб ҳисоблаган ташкилотлар орасида, ким катталар таълими жараёнида қатнашувчи, ким эса “катталар таълими учун мутахассисларни “ тайёрловчилигини аниқ қилиб ажратмаган.

Ҳозирги кунда, давлат таълим муассасалари асосан касбий билимларни ривожлантиришга, малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлашга йўналтирилган, жамият ташкилотлари эса ўз дастурларида шахсни, ижтимоий ва фуқаро ваколатларини ривожлантиришга, ҳамда инсоннинг бошқа таълим талабларини қондиришга қаратилган. Нотижорат нодавлат ташкилотлар секторида катталар таълимнинг провайдерлари бўлиб қуйидаги ижтимоий фаолиятлар киради:

- Ижтимоий ташкилотлар;
- Фондлар;
- Нодавлат муассасалари;
- Бирлашмалар;

Касаба уюшмалари ва б. турли хил мақсадли гуруҳлар (ёшлар, аҳолининг ижтимоий ҳимоясиз қатламлари, касбий уюшмалар – педагог, журналист, фаоллар ва б.) ҳамда бошқа соҳалардагилар (хуқук, иқтисодиёт, фуқаровий, сиёсий, экологик ва маърифат таълими, касбий қайта тайёрланиш ва ўқиш, маҳаллий уюшмаларни ривожлантириш ва б.) учун ишлайдиганлар.

Ҳозирги кунда ижтимоий ташкилотлар фаолиятининг ахамиятли устун йўналишлари бўлиб, аҳолининг ижтимоий ҳимояси ва реабилитацияси (қайта тикланиши), спорт, дам олиш, туризм ҳисобланади.

Нотижорат нодавлат ташкилотларнинг хусусияти, таълим дастурлари жараёнга эмас, балки натижага қаратилган. Бу дастурларда иштирок этиш ихтиёрий принципга асосланган.

Норасмий таълимда, қоидага кўра, ўқув йили, ягона таълим дастури деган тушунча йўқ. Таълим муддати бир соатдан ёки бир неча кундан бир неча йилгача давом этиши мумкин.

Бугунги кунда, норасмий таълимда қисқа муддатли ўқув курслари кўп.

Бундан ташқари, норасмий таълим соҳаси учун жуда кўп ўқув дастурлари мавжудлиги характерли. Лекин, барча қийинчиликларга қарамай, давлатда кўплаб профессионал ишчилар бор. Хусусан, фуқаро таълими соҳасида ишловчи ташкилотлар. Уларнинг кўпчилиги педагоглар, катта ёшлар, аҳолининг ижтимоий химоясиз қатламлари билан ишлайди ва экологик маърифат ўтказишади. Охириги йиллар давомида қатор ташкилотлар бундай демократик ҳаракатлар билан шуғулланмоқда. ***Таълим дастурларининг қатнашчилари таркибини қўриб чиқилганда, қатнашчилар орасида:***

- Шаҳар аҳолиси, катта даромад олувчи ва юқори даража билимига эга инсонлар кўп;
- Аёллар таълимни баландроқ даражасига эга ва катталарни норасмий таълимида фаол қатнашади;
- Малака ошириш тизимида кўпроқ давлат хизматидаги ходимлар ва мутахассислар кўп;
- Катталарнинг тижорат таълими иккита гуруҳ мижозлар билан ишлайди (хусусий корхоналарнинг ишчилари ва топ-менеджерлар ва тўловга кодир фуқаролар, кўпроқ шаҳар аҳолиси);
- Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг норасмий дастурларида кўпроқ ёшлар, аёллар, фуқаро жамиятининг фаоллари, алоҳида мақсадли гуруҳ вакиллари (мигрантлар, имконияти чекланган фарзандли ота-оналар ва б.).

XX асрнинг 60-йилларида АҚШ нинг университет ва коллежларида ўқитишнинг янги “модулли ўқитиш” деб номланган технологияси пайдо бўлади. Бу технологиянинг ўзига хос томони шунда эдики, унга кўра фан бўйича ўқув режаси ва ўқув-дидактик материаллар маълум модулли қисмларга бўлинган. Ҳар бир модул ўқув материални ўрганиш бўйича ўқувчилар учун кўрсатмалар билан таъминланган.

Модулли ўқитиш тизимининг бир қанча ижобий жиҳатлари мавжуд:

Биринчидан, ўқув-дидактик материаллар ва кўрсатмага эга бўлган ўқувчи ўқув материални ўзлаштиришда мустақилликка эга бўлади;

Иккинчидан, ўқитувчи маърузачидан маслаҳат берувчига айланади, тингловчида ўқув материални пассив қабул қилувчидан, ўқув материални фаол ўзлаштирувчига айланади.

Учинчидан, оъзлаштирилаётган билимларни назорат қилишнинг аниқ вақти белгиланади.

Тўртинчидан, ўқув материали қадамма қадам, изчиллик билан осон ўзлаштирилади.

Модулли ўқитиш дастлаб Америка қўшма штатларининг университет ва коллежларида кенг қўлланилди, кейинчалик эса ғарбий европа давлатлари томонидан ҳам амалда қўлланила бошлади. Модулли ўқитиш таълимнинг ҳамма тармоқлари, коллежлар, институтлар, университетлар, малака ошириш институтларга кириб келди.

Таъкидлаш керакки, модулли ўқитиш тизими олий ўқув юртларида, ақлий меҳнат вакиллари тайёрланадиган соҳада пайдо бўлди. Лекин, олий маълумот талаб қилинувчи мутахассисликлардан ташқари яна ишчи мутахассисликлар ҳам бор. Бу мутахассисликларни эгаллаш учун ҳам, кейинчалик малака ошириш ёки, қайта тайёрлаш учун ҳам модулли ўқитиш технологиясидан фойдаланиш катта натижалар бериши мумкин. Бундан ташқари бозор иқтисодиёти шароитида техника, технологияларнинг доимий ўзгариши, такомиллашиши шароитида ривожланган мамлакатларда ишчи ҳаёти давомида камида беш марта ўз мутахассислигини ўзгартиришга мажбур бўлади. Айнан шундай шароитда ўқитишнинг модулли технологияси ўз самарасини кўрсатади.

Бугунги кунда модулли ўқитишнинг турли вариантлари ишлаб чиқилган, янги-янги ўқитишнинг модулли ўқитиш режалари, ўқув ва услубий қўлланмалари ишлаб чиқилмоқда

Таълим тизимида ахборот ва телекоммуникация технологияларининг кенг қўлланилиши ўқитишнинг масофавий таълим шаклининг ривожланишига сабаб бўлди. Масофавий таълим бу- таълим берувчи ва таълим олувчини катта масофа ажратиб турадиган таълим; - махсус ахборот –таълим муҳитида кенг фойдаланувчилар оммаси учун ҳоҳлаган масофадан туриб

таълим хизматларини кўрсатиш; - сиртдан ўқитишнинг янги босқичи бўлиб, бунда ахборот технологиялари, персонал компьютерлар, видео ва аудиотехникалардан кенг фойдаланилади.

Масофавий таълим анъанвий таълимдаги ўқитиш формаларини: педагог билан мулоқот, ўзлаштирилган материалларни назорат қилиб бориш кабиларни ўзида сақлаб қолади. Булардан ташқари таълимнинг бу тури яна бир қанча устунликка ҳам эга: ўқитиш вақти ва графигининг эркинлиги; ўқитишнинг масофа ва жой танламаслиги; транспорт учун харажатларнинг йўқлиги; ўқув материалларини етказишда қулайлик; ўқитишнинг индивидуал суръати, ёшга оид чегараларнинг йўқлиги; кўптармоқлилик.

Дунёда масофавий таълимдан кўзланган асосий мақсад - таълим олувчига хоҳлаган жойда хоҳлаган коллеж ёки университет ўқув курсини ўтиш имкониятини беришдир. Масофавий таълим таълим олишга эҳтиёжи бўлиб, уни анъанвий тарзда олиш имконияти бўлмаган инсонлар:

- абитуриентлар учун;
- турли сабабларга кўра ўқишни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олиб боришга мажбур бўлганлар учун;
- соғлиги туфайли таълим жараёнида доимий иштирок эта олмайдиганлар учун;
- заҳирага чиққан ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун;
- ўз касбини ўзгартиришга мажбур бўлган қатламлар учун;
- мамлакатнинг узоқ, чекка ҳудудларида ёшидан қатъий назар, яшовчилар учун янги имкониятларни очади.

Масофавий таълимни ташкил қилишнинг қуйидаги асосий тамойилларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Лекция, семинар шаклидаги доимий машғулотларнинг йўқлиги, таълим вақтининг қатъий белгиланмаганлиги:
 - таълимнинг асосий касбий фаолият билан параллел олиб борилиши;
 - таълим олишда масофавий қийинчиликларнинг йўқлиги;
 - таълим олувчилар сонининг чегараланмаганлиги;

- иқтисодий жиҳатдан камчиқимлиги;
- ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш.

Масофавий таълимда таълим беришнинг турли технологиялари ва методларидан: репродуктив, муаммоли, евристик, тадқиқотчилик ва бошқа турларидан кенг фойдаланилади. Ушбу технологиялар таълим олувчиларни турли хил ахборот манбалари билан ишлашга, таълим берувчи билан доимий алоқада бўлишга, гуруҳда ишлашга, лойиҳаларни якка ёки гуруҳ билан амалга оширишга, ўз худудидаги ёки хорижий талабалар билан мулоқот қилишга мажбур қилади.

Масофадан ўқитиш жараёнида лаборатория машғулотларини визуал ўтказиш имкониятлари мавжуд. Масофадан ўқитиш тизимида чоп этилган ўқув материаллар, электрон нашрлар, ўқитувчи мултимедияли компютер дастурлари, аудио ва видео материаллар, компютер тармоқларидан кенг фойдаланилади. Чоп этилган ўқув материаллар, анъанвий дарсликлар ва ўқув услубий қўлланмалар масофавий таълимда кенг қолланилади. Улардан фойдаланиш бўйича таълим олувчига кўрсатмалар берилиб, модулли ўқитиш ташкил қилинади. Таълим олувчи ўзлаштирган билимлар назорат вазифалари, ўз-ўзини текшириш учун саволлар ва уларнинг жавоблари, изоҳли луғатлар ҳам берилади.

Электрон нашрлар эса чоп этилган ўқув материалларининг электрон шакли бўлиб, уларни сақлаш ва олиб кўриш анча қулай ҳисобланади, электрон почта орқали узоқ масофаларга тез етказиш мумкин.

Ўқитувчи компютер дастурлари 70 – йилларда персонал компютерлар яратилагандан кейин пайдо бўлган. Ушбу дастурлар маълум фан ёки соҳани ўргатишга қаратилган дастурлар ҳисобланади. Компютер дастурлар электрон дарсликлар, назорат қилувчи дастурлар, справочниклар, ўқув фаолияти учун керакли барча маълумотлар, вазифалар тўпламларини, визуал воқеликни ўз ичига олади.

Электрон дарсликлар ўз ичига асосий дидактик, услубий, илмий ахборотларни жамлайди. Фойдаланувчига ушбу материалларни мустақил

ўзлаштириш, ўзлаштирилган билимларни мустақил текшириш, ўқитувчига эса ўзлаштирилган билимларни жорий ва якуний назорат қилиш имкониятини беради.

Электрон дарсликлар қуйидаги вазифаларни бажаришда қўл келади:

- ўқув курси ва унинг мавзулари ҳақида маълумот олиш, ўқув материални изчил ўрганиш;
- ўқув, методик ва бошқа ахборотларни индивидуал ўрганиш, такрорлаш;
- компютер экранида бутун дидактик материаллар ва кўргазмаларни кўриб туриш (жадваллар, расмлар, схемалар, матн ва б);
- ўз-ўзини назорат қилиш (баҳолашнинг автоматик тизимида)
- керакли маълумотлар, жадваллар ва схемаларни, тарқатма материалларни чоп етиш;
- катта маълумотлар базасидан фойдаланиш;
- методик ёрдам олиш;
- ахборот олиш тизимида қўлланиладиган технологиялар ҳақида маълумот олиш.

Аудио ва видеоматериаллар булар магнит ташувчиларга ёзилган маълумотлардир. Уларга мавзу бўйича ўқитувчининг маърузасини ёзиш мумкин. Лекин аудиоматериаллар кўпроқ тил ўрганишда самарали қўлланилади.

Очиқ on line ресурслари, видеоматериаллар, мастер класлар, кўрсатмали машгулотлар, тренинглар катталар таълимидаги самарали шакл ва воситалардан саналади.

Компютер тармоқлари - бу ўқитишнинг ўзига хос воситалари бўлиб, бири бири билан локал тармоқ ёки тармоқсиз уланиш орқали боғланган, ўзида турфа ахборотларни жамлаган тармоқли тизимдир. Компютер тармоқлари масофавий ўқитишда электрон конференциялар, мулоқотлар ўрнатишда ишлатилади.

Ушбу имкониятлар катта ёшлиларни ўқитиш тизимида ҳам катта аҳамият касб этади. Катта ёшлилар ўз эҳтиёжларига кўра ўз касби бўйича малакаларини

ошириши, ёки янги билим ва кўникмаларни эгаллаши, янги технологиялар билан танишиши ва улардан фойдаланишни ўрганиши, ўз касбини ўзгартириш учун янги йўналиш бўйича билим олиши ва асосийси буларнинг ҳаммасини ўзининг асосий иш фаолиятидан ажралмаган ҳолда, уйда ўтириб, ўзи ҳоҳлаган вақтда ва ўзи ҳоҳлаган муддатларда амалга ошириши мумкин.

Хулоса ва таклифлар

Андрагогика узлуксиз таълим тизмида ўз ўрнига эга замонавий йўналишлардан саналади.

Андрагогик билимларнинг илмий контексти куйидаги категорияларни кўриб чиқиш билан белгиланади:

- Инсон (ҳаёт босқичининг улғайиш (қариш)босқичида);
- Катта ёшлилик (катта ёшлиларнинг ўзига хослигини инобатга олиб ўқитиш субъекти сифатида);
- таълим (инсонийлик сифатларини ривожлантириш ва шакллантиришга қаратилган мақсадли тизим);
- катта ёшлилар таълими (uzlukсиз таълим олиш жараёнида касбий ва шахсий жиҳатларга турли вариантлар асосида эга бўлиш);
- узлуксиз таълим (инсон ҳаётий фаолияти жараёнида узлуксиз билимларга эга бўлиб бориши);
- андрагог (катта ёшлиларни ўқитиш соҳаси билан шуғулланувчи мутахассис);

Замонавий андрагогиканинг тадқиқотлар олиб бориш кўлами ўз ичига:

- ёши, жинси, ижтимоий мансублиги, малакавий тайёргарлик даражаси, соғлигини ҳисобга олган ҳолда аҳолининг турли гуруҳларининг таълимга эҳтёжини ўрганиш;
- базавий ва кўшимча касбий билим, ўз устида ишлаш, бўш вақтда билим олиш, маънавий ривожланишни ҳисобга олган ҳолда катта ёшлиларни ўқитиш шакллари ва вазифаларини ўрганиш ва йўналишларини моделлаштириш;

- катта ёшлиларни ўқитиш тизимини технологиялар, кадрлар билан таъминлаш тизимини яратиш;

Андрогагик билимларнинг шаклланиши ва ривожланишининг асосий тамойиллари: интеграциялашув, амалий йўналиш ва инсонийликдир.

Андрогагик билимларни қўллаш чегаралари жуда кенг. Андрогагика катта ёшлиларнинг:

- касбий малакасини ошириш мақсадидаги ўқиши;
- жамиятдаги янги техника ва технологияларни ўзлаштиришга қаратилган;
- ишсизларни ўқитиш ва қайта ўқитиш;
- катта ёшли ногиронларни ўқитиш;
- озодликдан маҳрум қилинганлар муассасаларидаги катта ёшли маҳбусларни ўқитиш;
- хорижий мамлакатларга, ўзга тил ва маданий жамиятда ишлаш учун кетаётганларни ўқитиш;
- катта ёшли аёлларни ўқитиш;
- бўш вақтларда маънавий-маърифий тадбирлар орқали ўқитиш ва яна бошқа кўплаб йўналишларда таълим олиши учун илмий асос ва таълим усулларини, таълимга муносабат ва унинг сифати, маҳсулдорлигини оширишга хизмат қилувчи соҳадир.

Маълумки, бугунги шиддат билан ривожланаётган ахборот жамияти ўзи билан тенг қадам ташлай олмаганларни четга суриб бораверади. Шу сабабли ҳаёт давомида узлуксиз ўқиш, ўрганиш масаласи бугун ҳар қачондагидан ҳам долзарбдир. Бугунги кунда катта ёшлилар таълимига қўйилаётган талаблар ҳам замон тақозосидир. Сир эмаски, таълимда, айниқса катта ёшлилар таълимида фақат билим бериш эмас, балки ўқувчининг психологик дунёқарashi, таълим олишга, янгиларни қабул қилишга, замон билан тенг қадам ташлашга қаратилган мотивациясини шакллантириш катта аҳамият касб этади. Андрогагикада бу борада таълим беришнинг турли шакллари ва янги технологиялари таклиф этилади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш керакки, андрагогика тушунчаси фанга нисбатан янги кириб келган тушунча ва андрагогика фани ҳам нисбатан ёш фан бўлишига қарамасдан, унинг ўрганувчи предмети ва объекти бугунги кун учун ниҳоятда долзарб масаладир. Гарчи, олимлар унинг мустақил фан ёки педагогиканинг бир қисми эканлиги ҳақидаги баҳсларини ҳали давом эттираётган бўлсалар ҳам, бу фан жамият, унинг барқарор ривожланиши, унинг турли соҳалардаги тезкор тараққиёт ва ўзгаришларга аҳолининг, айниқса катта ёшлиларнинг мослашуви соҳаларидаги муаммолар ечимида ўзининг ижобий натижаларини кўрсатишга улгурди.

Ушбу жараёнга маҳаллий ҳокимият органлари, ижтимоий ташкилотлар, корхоналар ва партияларнинг иштирокини фаоллаштириш.

FOR AUTHOR USE ONLY

Фойдаланилган адабиётлар**Норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т., 2014.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 9-сон, 225-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли Қарори
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 365 сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги № 343 сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-4732-сон Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги №242-сонли Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”. // Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Тошкент: Шарқ, 1997.

2. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. // Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Тошкент: Шарқ, 1997.

3. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари - Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 151-б.

4. Каримов И. А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маъруза, 2002 йил 29 август - Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё, ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: 2003.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

6. Ислом Каримов. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. – Т.16. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008, - 5-б.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. // Халқ сўзи, 2011 йил 20 май, № 100 (5267).

Махсус адабиётлар:

3.Змеев С. И. Андрагогика: Становление и пути развития // Педагогика. — 1995.-№2.

4. Климов С. М. Неформальное образование взрослых: Проблемы экономики и управления. — СПб., 1998.

5. Краевский В.В. Общие основы педагогики: Учеб. для студ. высш. пед. учеб. завед. М.: Академия, 2003. С. 256.

7. Кукушин В.С. Общие основы педагогики: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. Ростов-на-Дону: МарТ, 2002. С. 224.

8. Комиссия Европейских сообществ: сообщение Комиссии «Образование взрослых: никогда не поздно учиться». Брюссель, 2006.

8. Мирсолиева М. Андрагогик таълимнинг ўзига хос хусусиятлари. //Pedagogik ta'lim — 2013. — № 5. 6-10 б.

9. Громкова, М.Т. Андрагогика: теория и практика образования взрослых: учеб. пособие для системы доп. проф. образования / М.Т. Громкова. М., 2005.

10. Основы андрагогика: учеб. пособие для студентов высш. пед. учеб. заведений / И.А. Колесникова, А.Е. Марон, Е.П. Тонгоногая и др.; под ред. И.А. Колесниковой. М.: Изд. центр «Академия», 2003. 240 с.

9. Модельная программа подготовки андрагогов : учеб.-метод. пособие / Н.Н. Кошель [и др.]; под ред. канд. пед. наук Н.Н. Кошель. – Минск : АПО, 2011. – 314 с.

10. Смирнов С.Д. Педагогика и психология высшего образования: От деятельности к личности. — М., 2008.

11. Теоретические основы непрерывного образования / Под ред. В. Г. Онушкина. - М., 1987

12. Технологии образования взрослых. Пособие для тех, кто работает в системе образования взрослых / Под общей редакцией О.В. Агаповой, С.Г. Вершловского, Н.А. Тоскиной. – СПб: КАРО, 2008. – 176 с.

12. Рабочая книга андрагога / Под ред. С.Г. Вершловского. — СПб., 1998.

13. Основы андрагогики *Под редакцией И. А. Колесниковой*. учебное пособие — М., 2007.

14. BMBF (Hg.) (2005): Bachelor- und Master-Studiengänge in ausgewählten Ländern Europas im Vergleich zu Deutschland Fortschritte im Bolognaprozess. Bonn, Berlin.

15. Barab S.A., Roth W.-M. Curriculum-Based Ecosystems: Supporting Knowing from an Ecological Perspective // *Educational Researcher*. 2006. Vol. 35. No. 5. pp. 3–13.

16. Technical-Vocational Education and Training and Education for Sustainable Development: материалы междунар. конф., Минск, 14–16 мая 2009

15. Faulstich, P. / Graeßner, G. (2005): Flexibilität mit Risiko – nicht - ohne Nebenwirkung. Situation und Perspektiven des Hauptfachs Erziehungs- und Bildungswissenschaft: Schwerpunkt Erwachsenenbildung.

16. Field, J. (2005): Bologna and an Established System of Bachelor's / Master's Degrees: The Example of Adult Education in Britain. In: *Bildung und Erziehung*. H. 2. S. 207–220.

17. Nuissl, E. (2005): Professionalisierung in Europa. In: *Report 4/2005. Literatur- und Forschungsreport Weiterbildung*. S. 47–56.

18. Pätzold, H./Bruns, A. (2006): European Master in Adult Education. In: *Lline 4/2006*. S. 283–288.

19. Professionalität. Beruf. Studiengänge. *Report 4/2005. Literatur und Forschungsreport Weiterbildung* 28. Jahrgang.

20. Bechtel, M. / Latke, S. (2007): Dokumentation von Studiengängen im Bereich Erwachsenenbildung/Weiterbildung in Europa: Einleitung. 21.

Delors Jacques. *Adult education: from luxury to necessity* // *Bulletin Education For All's* 2000. — № 27. April - June 1997.

22. Hayden M. «Professional Development of Educators: the International Education Context». *The SAGE Handbook of Research in International Education*. 2007. SAGE Publications. [Электронный ресурс] Режим доступа: http://sage-reference.com/hdbk_researchintledu/Article_n20.html

23. Sharpies M., Taylor J., Vavoula G. A Theory of Learning for the Mobile Age / The SAGE Handbook of E-learning Research. – London: SAGE Publications Ltd, 2007.

24. Susanne Lattke. Studiengänge Erwachsenenbildung in Europa. Online in Internet: URL: [http:// www.die-bonn.de/doks/lattke0701.pdf](http://www.die-bonn.de/doks/lattke0701.pdf).

25. Folk High School in Europe – an important part of free adult education and personal growing. Kaunas, 2003.

26. Folk high school – school for life. Wieżyca, 2003.

27. Hovenberg H. Szwedzkie uniwersytety ludowe: kształcenie i dokształcanie nauczycieli // Uniwersytet ludowy – Szkoła dla życia. Wieżyca, 2003. S. 413–420.

28. Liberal adult education in Sweden. – The Swedish National Council of Adult Educational. Stockholm, 2003.

29. Maliszewski T. Z dziejow uniwersytetów ludowych na terenie Szwecji // Uniwersytet ludowy – Szkoła dla życia. Wieżyca, 2003. S. 125–137.

30. Maliszewski T. Rozwój uniwersytetów ludowych w Danii, Niemczech, Polsce i Szwecji. Podsumowanie // Uniwersytet ludowy – Szkoła dla życia. Wieżyca, 2003. S. 138–143.

31. Reichberg P. Szwedzkie uniwersytety ludowe // Uniwersytet ludowy – Szkoła dla życia. Wieżyca, 2003. S. 118–124.

32. Structures of education, vocational training and adult education systems in Europe. Sweden. 2005/06. Stockholm [WWW document]. URL http://www.eurydice.org/ressources/eurydice/pdf/041DN/041_SE_EN.pdf.

33. Study Programme Syllabus for Education for Teachers in the Folk High School Programme. University of Linköping, 2002.

Электрон таълим ресурслари:

1. Всеобщая декларация прав человека. Организация Объединенных Наций 10 декабря 1948 года <http://www.memo.ru/Prawo/fund/481210.htm>

2. Сайт «Дистанционное сотворчество»: [http:// distant.ivanovo.ac.ru](http://distant.ivanovo.ac.ru)

3. Рекомендация о положении учителей, принятая Специальной межправительственной конференцией статусе учителей.

http://zakon.edu.ru/catalog.asp?cat_ob_no=12686&ob_no=1288

4. Adult education in the 1990s: A Report on the 1991 National Household Education Survey — National Center for Education Statistics // Working Paper. — № 98 — 03, February 1998 (www.nces.ed.gov).

5. Dewey John. Democracy and Education (www.ilt.columbia.edu).

6. Hamburg Declaration on Adult Learning. The Fifth International Conference on Adult Education. — Hamburg (www.education.unesco.org).

7. Всемирный Совет по образованию взрослых (ICAE) — www.web.net/icae.

8. Европейская Ассоциация образования взрослых (EAЕА) — www.vsy.fi/eaеa.

9. Финская Ассоциация образования взрослых (FAEA) — www.vsy.fi.

